ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ИЖТИМОИЙ-
ИҚТИСОДИЙ
ГАЗЕТАСИ
•
1974 ЙИЛ
1 ЯНВАРДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ
QIŞLOQ HAYOTI

1995 йил
28 июль
ЖУМА
№ 30 (5.654)
сотувда
эркин нархда

ТАЪСИСЧИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР РАВНАҚИ

В. ЧЕРНОМИРДИННИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФИ

27 июль куни эрталаб Ўзбекистон Президентининг Дўрмондаги қароргоҳида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

Ушбу учрашувдан сўнг Виктор Черномирдин Ислом Каримов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги миллий боғга ташриф буюриб, буюк шоирга эҳтиром билдирди. Унинг ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Шу куни пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин раҳбарлигидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон раҳбари мамлакатимиз Россия билан азалий дўстлик ва ҳамкорлик анъаналарини тараққий эттириш тарафдори эканини таъкидлади.

— Биз Россияни буюк мамлакат, азалий ва ишончли ҳамкор, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорлик кафили деб биламиз, — деди, жумладан Ислом Каримов. — Ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мамлакатларимиз халқларининг ўтиш даври қийинчиликларини тезроқ енгишга кўмаклашади ҳамда улар учун фаровон турмуш шароитлари яратишга хизмат қилади.

Музокаралар чоғида илгари имзоланган ҳужжатларда белгиланган ишларнинг қай даражада амалга оширилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Икки томон учун ҳам манфаатли бўлган кўпгина соҳаларда ҳамкорлик юзасидан талай тадбирлар белгиланди.

— Россия ҳукумати Ўзбекистон билан алоқаларга биринчи даражали аҳамият беради, — деди Россия Федерацияси Ҳукумат Раиси Виктор Черномирдин. — Биз мамлакатларимиз ўртасида шаклланган хўжалик алоқаларини тиклабгина қолмай, иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалари муносабатларни янги асосда тараққий эттиришга интилмоқдамиз.

Расмий делегация аъзоларининг ўзаро мулоқоти чоғида икки томонлама, МДҲ ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, бир қанча халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрофлича фикрлашиб олинди.

Музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янада тараққий эттириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Меморандумни, 1996—1997 йилларда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимни имзоладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон раҳбари ва Россия Ҳукумати Раиси журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда музокараларнинг ниҳоятда самарали ва сермаҳсул бўлгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат ҳамкорлигини янги поғонага кўтаришга хизмат қилувчи ҳужжатлар имзоланди. Россия ва Ўзбекистон Марказий банклари ўртасида икки мамлакат миллий валюталарининг эркин айланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги, олий таълим, жиноятчиликка қарши кураш, Россия-Ўзбекистон тўқимачилик холдингини барпо этиш, халқаро радиоастрономик обсерваторияни ташкил қилиш, икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Мамлакатларимиз корхоналари ўртасида шаклланган алоқаларни янги асосда тиклаш иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим омилларидандир. Шу боис музокаралар чоғида ҳамкорликнинг истиқболли соҳаларида молия-саноат гуруҳларини тузиш масаласини ўрганадиган ишчи комиссиясини ташкил этишга қарор қилинди. Самолётсозлик, тўқимачилик, нефть ва газ саноати соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ўртасида ўзаро манфаатли асосда ташкил этиладиган молия-саноат гуруҳлари тузилиши ҳар икки мамлакатдаги талай иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Ўзбекистон раҳбари музокаралар чоғида мамлакатимиз Россия, Беларус ва Қозоғистон аъзо бўлган ягона божхона иттифоқига кириш истагини билдирганини, Россия томони эса бу истакни қабул қилганини айтди.

Журналистлар икки мамлакат ўртасида қабул қилинган ҳужжатларда нега узоқ давр эмас, яқин йиллар кўрсатилгани билан қизиқдилар. Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин одатда узоқ йиллик ҳамкорлик қайд этилган ҳужжатларда белгиланган тадбирлар кўпроқ қоғозда қолиб кетиши кузатилганини, шу боис қабул қилинган ҳужжатларда аниқ муддат ва амалий ишлар ўз аксини топганини айтдилар. Бундай йўлнинг афзаллигини икки мамлакат ўртасида ўтган йили имзоланган шундай ҳужжатда кўзда тутилган режалар тўла амалга оширилганидан ҳам билиш мумкин.

Россия ҳукумати раҳбари Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жараёнига юксак баҳо берди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш йўлида талай ишлар амалга оширилди. Юртимизда айни пайтда беш миллиондан зиёд киши нодавлат секторида иш билан бандлиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилаётган маҳсулотнинг 90 фоизи шу секторда етиштирилаётгани, савдонинг 90 фоизи хусусийлашгани, қурилиш ишларининг 39 фоизи ана шу нодавлат секторидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Нодавлат сектори корхоналари айни пайтда мамлакатимиз умумий миллий маҳсулотининг 37 фоизини етказиб бермоқда. Россия билан Ўзбекистон ҳамкорлиги бу соҳада эришилаётган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Журналистлар Ўзбекистон давлати раҳбари ва Россия ҳукумати Раисининг Афғонистон ва Тожикистондаги муаммоларни бартараф этиш хусусидаги фикрлари билан қизиқишди. Бу борада ҳам томонлар якдиллиги намоён бўлди. Ислом Каримов ва Виктор Черномирдин Тожикистон муаммоси муҳолиф томонларнинг тинч музокаралари йўли билан ўзаро ён беришлар натижасида ҳал бўлиши мумкинлигини, бу ўринда Тожикистон ҳукумати қуруқ баёнотдан амалий ишга ўтиши, муҳолиф кучлар эса ҳукуматга ултиматум тарздаги шартлар қўйишдан воз кечиши даркорлигини таъкидладилар.

Шу куни Россия ҳукумати Раиси В. Черномирдин Тошкентдаги В. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ташриф буюриб, корхона фаолияти билан танишди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА-БАНК»НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, пахтачиликка ва у билан боғлиқ тармоқларга банк хизмати кўрсатишни яхшилаш, ушбу соҳада ҳисоб-китобларни такомиллаштириш ва унинг янги шаклларини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Уздеҳқончиликсаноатбанк» республика акционерлик-тижорат банки муассисларининг ушбу банк негизида ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, «Пахта-банк» молиявий, мулкий ва бошқа мажбуриятлар ва талаблар бўйича «Уздеҳқончиликсаноатбанк»нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Пахта-банк»нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

пахта етиштирувчи хўжаликларни ва пахта етиштириш ҳамда уни қайта ишлаш билан боғлиқ ташкилотларни ривожлантириш учун молиявий маблағларни жамлаш;

пахта етиштирувчи хўжаликларга, пахта заводларига, пахтачиликка хизмат кўрсатувчи ўзаро боғлиқ тармоқларнинг бошқа корхоналари ва ташкилотларига комплекс банк ва валюта-инвестиция хизмати кўрсатиш;

пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ хўжаликлар ва ташкилотларга улар билан фьючерс битимлар тузиш орқали бўлғуси ҳосил ҳисобидан аванс бериш;

ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, шунингдек, хўжаликлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши ва берилган кредитларнинг қайтарилиши устидан амалий назоратни таъминлаш;

векселлар, давлат қисқа муддатли облигациялари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш;

хўжаликларда белгиланган тартибда «Пахта-банк»нинг бўлинмаларини ташкил этиш йўли билан банк хизмати кўрсатишни мижозларга яқинлаштириш;

кредит карточкалари жорий этиш ва электрон банк хизматлари кўрсатиш.

3. «Пахта-банк» акционерларига ўн кун муддатда белгиланган тартибда таъсис йиғилиши ўтказиш ва банк уставини тасдиқлаш таклиф этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Пахта-банк»ни давлат рўйхатидан ўтказсин ва унга белгиланган тартибда тегишли лицензия берсин.

Марказий банкка «Уздеҳқончиликсаноатбанк» томонидан ижарага олинган хизмат биноларини қолдиқ қиймат бўйича ҳақ тўлаш асосида «Пахта-банк»ка бериш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Б. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 27 июль.

ЧИЛПИШ ҚИЗҒИН

ЖИЗЗАХ. Вилоят ғаллакорлари жорий йилда катта ғалабага эришдилар. Давлатга 240 минг тоннадан зиёд сара дон сотилди. Етиштирилган ҳосилни ўриб-янчиб олиш ишлари давом этаяпти. Ялпи ғалла хирмонини 360 минг тоннага етказишга қарор этишган миришкорлар пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилишаяпти.

Ушбу ҳал қилувчи паллада ниҳолларни қондириб суғориш, озиқлантириш ва чилпиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Деҳқон меҳрига қонган ғўзалар кунда бир яшнаб ҳосил тўпламоқда. Ҳар туп ғўзада 5-6 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.

— Жорий йил деҳқонларимиз учун омадли келди, — дейди вилоят ҳокимлиги агросаноат гуруҳининг етакчи мутахассиси Зафар Исроилов. — Ғўзаларни чилпиш ишлари узоғи билан 5 августгача тугалланади. Дўстлик, Зафаробод, Пахтакор, Зомин ва Жиззах районлари заршунослари бу ишда илдам. Далаларда 600 дан зиёд чилпиш агрегатлари унум билан ишлаб турибди.

Дўстлик туманидаги «Оқолтин», Зафаробод туманидаги Собир Раҳимов номли, Зомин туманидаги «Ғолиб» жамоа хўжаликларида бу иш эрта-индин ниҳоясига етади. Шунингдек, мазкур хўжаликларда ғўзаларга қўшимча ишлов бериш, озиқлантириш ва суғориш ишлари давом эттирилаяпти.

Зафаробод, Зарбдор ва Дўстлик районларининг айрим хўжаликларида пахта очилиш арафасида. Бу йил вилоятимиз деҳқонлари пахта тайёрлаш режасини ҳам ошириб бажариш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Бу — республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллик байрамига муносиб совға бўлади.

СИРДАРЁ. Вилоят заршунослари эрта кўкламда 138 минг гектар майдонга чигит қадашли. Вақтида олиб борилган агротехник тадбирлар ўз самарасини кўрсатди. Ҳар туп ғўзада ҳозир тўрт-бештадан бўлиқ кўсак бор.

— Ҳозир ҳосил тақдирини белгиловчи палла, — дейди вилоят агросаноат уюшмаси раисининг биринчи муовини Ғаффор Абдураҳимов. — Шу кунгача 52 минг гектар майдондаги ғўзалар чилпишдан ўтказилди. Асосий иш техника зиммасида. Далаларда жами 800 та агрегат ишламоқда.

Бу йил вилоят хўжаликларида биринчи бор Навоий кимё заводи мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилган УзТИКС биорегулятори тажриба сифатида қўлланилаяпти. Натижа ёмон эмас. Мазкур қурилма ёрдамида шу кунгача минг гектардан зиёд майдондаги ғўзалар чеканка қилинди. Гулистон, Боёвут, Сайхунобод, Оқолтин районларида эса чилпиш тугалланди. Яхши ишлов берилаётганлиги туфайли ғўзалардаги кўсаклар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Раҳмонали
АКБАРАЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1995 ЙИЛДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ МАВСУМИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1995 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, пахта териш техникасидан фойдаланишнинг янги шаклларига ўтишни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, «Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Уздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси ва «Узмашсаноат» уюшмаси моддий-техника база пахта хомашёсини йиғиштириб олишга тайёрлаб қўйилишини шу йил 20 августгача тугаллашни ҳамда пахта йиғим-терими мавсуми юқори ташкилий даражада ўтказилишини таъминласинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 13 январдаги «1995 йил пахта ва бошоқли дон экинлари ҳосилини етиштириш ва давлатга сотишни иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ пахта тайёрлаш бўйича белгиланган топшириқни бажарган хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта маҳсулоти улуши унинг харид ҳажмининг 40 фоизигача оширилганлиги, пахта толасига давлат буюртмаси эса 60 фоизгача пасайтирилганлиги ижро этиш учун қабул қилинсин.

3. 1995 йил пахта ҳосилининг харид нархлари пахта толасининг улгуржи нархлари жаҳон нархларининг камида 60 фоизини ташкил этишидан келиб чиқиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўн кун муддатда пахта хомашёсининг янги харид нархлари прейскурантларини ишлаб чиқсинлар ҳамда тегишли вазирликлар ва идораларга етказсинлар.

4. Ҳосилни йиғиштириб олишда моддий рағбатлантиришни кучайтириш учун хўжаликларга пахта ҳосилини йиғиштириб олишда қуйидаги миқдорларда ҳақ тўлаш тавсия этилсин: икки қаторли пахта териш машинасида терилган кондицион оғирлиги 1 тонна бўлган пахта учун — камида 30 сўм, тўрт қаторли машинада терилганда — 20 сўм, қўлда терилган 1 килограмм пахта учун — камида 1 сўм 20 тийин. Йиғим-терим ишларида банд бўлганлар билан ҳар беш кунда ва 10 кунда ҳисоб-китоб қилинсин.

Хўжаликлар раҳбарларининг эътибори пахта териш учун энг юқори ҳақ юқори сортли пахта энг кўп териб олиниши учун теримчиларни рағбатлантиришни назарда тутган ҳолда йиғим-терим мавсумининг бошидан бошлаб белгиланиши кераклигига қаратилсин.

Марказий банк, «Уздеҳқончиликсаноатбанк», «Узсаноатқурилишбанк», «Ўзтадбиркорбанк», «Мевасабзавотбанк» теримчилар билан, шунингдек, пахтани юклаш, транспортда ташиш ва жойлаштиришда, пахта териш техникасига техника хизмати кўрсатиш ва тузатишда банд бўлган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоблар қилиш учун хўжаликларни нақд пул билан таъминласинлар.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ҳусанов), «Узкимёсаноат» уюшмаси (Юсупбеков), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари хўжаликларга дефолиантлар келтиришни ва ғўза баргини тўкишни белгиланган ҳажмларда ва муддатларда ўтказишни таъминласинлар.

6. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (Рафиқов) «Узагрокимёсервис» уюшмасининг буюртманомалари бўйича ғўза баргини тўкиш учун етарли миқдорда самолётлар ва вертолётлар ажратсин, зарур ёқилғи заҳиралари ташкил этсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ҳусанов), «Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Жабборов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

Шу йилнинг 20 августига қадар пахта териш техникасини тўлиқ тайёр ҳолга келтирсинлар, шу жумладан, машиналарни тракторларга тиркаш, юклаш-транспортда ташиш воситаларини тайёрлаш, териш-транспортда ташиш отрядларини механизаторлар ва тузатиш-хизмат кўрсатиш ходимлари билан бутлаш ишларини амалга оширсинлар. Хўжаликларда ва тузатиш корхоналарида двигателлар, узеллар ва агрегатларни, бошқа зарур материалларни айирбошлаш фондлари ташкил этсинлар. Ҳар бир пахта териш машинасини ишга қўйишнинг техникавий талабларига мувофиқ улар тегишли далолатнома расмийлаштирилган ҳолда комиссия томонидан қабул қилинишини ташкил этсинлар.

Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш мақсадида уларни терим-транспорт отрядлари таркибида жамласинлар ва ишлашини ташкил этсинлар.

8. «Узмашсаноат» уюшмаси (Собиров) «Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг буюртманомаларига мувофиқ ва хўжаликлар билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича 1995 йилда 5000 пахта териш машинаси, шу жумладан, 1 октябргача 2000, шунингдек, тракторлар, прицеплар, кўсак териш машиналари ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришни таъминласин.

«Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Жабборов) янги пахта териш машиналари базасида машина-трактор парклари ташкил этиш учун бу машиналарни Жиззах (800 та), Сирдарё (600 та) ва Қашқадарё (600 та) туман қишлоқ хўжалиги таъминот-тузатиш бирлашмалари балансига қабул қилсин, зарурат бўлганда хўжаликлардаги мавжуд машиналар ҳам уларга жамлансин.

9. Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда:

«Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасига — терим машиналари сотиб олишга;

«Узагрокимёсервис» уюшмасига — дефолиантлар, минерал ўғитлар ва пестицидлар сотиб олишга;

«Уздавпахтасаноатсотиш» уюшмасига — хўжаликлардан харид қилинадиган 1995 йил пахта ҳосилига аванс беришга қўшимча оборот маблағларни босқичма-босқич ажратиш тўғрисида таклиф киритсин.

10. Пахта йиғим-терими мавсуми бошлангунга қадар Жиззах вилоятига 110 та пахта териш машинаси, шу жумладан, Андижон вилояти хўжаликларидан 50 та машина, Фарғона вилоятидан 60 та машина ва Наманган вилояти хўжаликларидан Сирдарё вилоятига 100 та машина ўтказилсин, ушбу машиналар кейинчалик «Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси томонидан қолдиқ қиймат бўйича сотиб олинсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ҳусанов), Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари пахта териш техникасини ўтказиш ва улардан фойдаланишга шартномалар тузиш, уларни хўжаликларга бириктириш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этсинлар. «Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Жабборов) ўтказилган пахта териш машиналарига техника хизмати кўрсатилишини ва улар тузатилишини таъминласин, улар учун эҳтиёт қисмларнинг зарур заҳирасини ташкил этсин.

«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси (Эрметов) пахта териш техникасига вагонлар биринчи навбатда ажратилишини таъминласин, юкларнинг бошқа давлатлар ҳудудидан ўтганлиги учун ўзаро ҳисоб-китоблар масалаларини ҳал этсин.

11. «Узулгуржибиржасавдо» уюшмаси (Шаронов) пахта териш машиналарини тиркаш учун тракторларни ўз вақтида тайёрлаш мақсадида йиғим-терим мавсуми бошлангунга қадар «Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг разнарядкалари бўйича хўжаликларга етказиб бериш учун Минск мотор ва Владимир трактор заводларидан 1000 тадан двигатель келтирсин.

12. «Уздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси (Зикриёев) йиғим-терим мавсуми бошлангунга қадар пахта етиштирувчи хўжаликларга харид қилинадиган пахта қийматининг 25 фоизигача бўлган миқдорда аванс берилишини таъминласин, сумманинг қолган қисми бўйича ҳисоб-китоб қилишни пахта тайёрлов пунктларига топширилгандан кейин мунтазам амалга оширсин.

13. «Уздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 1995 йил ҳосилидан олинган пахтани қайта ишлаш жадвалини ишлаб чиқсин, бу ишни 1996 йил 1 июлдан кечиктирмай тугаллашни назарда тутсин.

14. «Узмашсаноат» уюшмаси (Собиров) ва «Узқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси (Жабборов) пахта териш техникасини мавсумга тайёрлашни тугаллашда хўжаликларга техникавий ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун заводларни вилоятларга бириктирсинлар.

15. «Уздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси (Тожиев) ёнилғи-мойлаш материллари 1995 йил сентябрь-ноябрь ойларида қишлоқ хўжалигига ва пахта тозалаш саноатига йиғим-терим ва транспорт ишларини, кузги шудгорлаш ва кузги дон экинлари экишни узлуксиз ўтказиш учун зарур бўлган ҳажмларда етказиб берилишини таъминласин.

16. Пахта терими мавсумига тайёргарлик кўришни тугаллаш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

17. «Узбекбирлашув», «Узбексавдо» ва «Ёғмойтамакисаноат» уюшмалари, «Уздонмаҳсулот» корпорацияси қишлоқ аҳолисини ва пахта терими қатнашчиларини энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларини ўз вақтида ҳал этсинлар.

18. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Каримов) пахта йиғим-теримида банд бўлган ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш чора-тадбирларини белгиласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги (Ҳайитбоев) ҳосилни йиғиштириб олиш даврида теримчиларга маданий хизмат кўрсатишни ташкил этсин, санъат усталари, ёзувчилар ва шоирларнинг хўжаликларга боришларини назарда тутсин.

20. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 25 июль.

МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН

Чиноз туманидаги «Гулзоробод» жамоа хўжалигининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Баҳром Умаров бошлиқ бригада заршунослари бу йил 83 гектар ерда ғўза парваришлашмоқда. Гектаридан 40 центнердан оқ олтин йиғиштириб олишни кўзлаган пахтакорлар муҳим тадбир — ғўза чеканкасини тугаллашли.

— Шу кунгача экинларга олти марта ишлов берилди, — дейди илғор бригада саркори. — Бир вақтда икки марта озиқлантирилди. Уч марта қондириб суғордик. Ҳар гектарда 90 мингтадан кўчат сақлашга эришдик. Ҳозир ҳар тупда ўртача 6-7 тадан кўсак бор. Муҳими, бултургига нисбатан ўсимлик ўн кун эрта етилаяпти.

Миришкорлар йиллик режани ўнинчи октябргача бажариш учун астойдил ҳаракат қилишаётир. Далаларда бир текис етилаётган ҳосил агротехник тадбирлар сифатли ўтказилаётганидан далолат бериб турибди.

Б. РАВШАНОВ

МЕҲР — КЎЗДА, ДИЛДА — МУҲАББАТ

Яқинда Қирғизистоннинг Бишкек ва Чўлпон ота шаҳарларида Марказий Осиё республикалари газеталари бош муҳаррирларининг халқаро семинари бўлиб ўтди. Қуйида унинг иштирокчиларидан бири — ёзувчи Неъмат ЁҚУБОВнинг ўша тарихий анжумандан ёзган лавҳаси билан танишасиз.

Кўз кўзга тушса, меҳр кучаяр. Халқимизнинг бу пурҳикмат сўзлари ҳаёт ҳақиқати эканлигига қардош Қирғизистоннинг шаҳару қишлоқлари, бепоён қиру адирлари, сервиқор тоғларию ширин-шакар боғларини кезиб, дилкаш суҳбатлар қурганимизда яна бир бор иймон келтирдик. Муҳаббатнинг чеки-чегараси чексиздек, дўстлар дийдорига тўйиб бўлмас. Зероки, қадрдоннинг юзи офтобдан иссиқ. Бизни Қирғизистон Республикаси пойтахти — кўркам Бишкекда соғинчу ардоқ ила, эътибору эҳтиром кўрсатиб кутиб олишди. Не ажаб! Ахир бу — туркистонликларнинг азалий ва ҳамон дунёни лол қолдираётган башарий одати, покиза анъанаси. Унинг боиси шулки, одам иззатта семирар...

Бишкек — теграсини оппоқ қорли, кўҳна тоғ тизмалари ўраган, дарахтлару гулларга бурканган, сайроқи қушлар маскани — кўркам шаҳар. Қирғизга хос салобат, миллий услубда қурилиб, сарғиш, кўкиш, оқиш ва турли-туман тусдаги мармарлар билан сайқалланган улкан саройлар, маъмурий бинолар унинг ҳусн-тароватини оширган.

Айни пишиқчилик палласи. Шаҳарнинг катта-кичик бозорларида тўкинчилик. Нарх-навоси ҳам ўзига яраша. Ўзга жойларга нисбат қилганда, бири арзон, бири қимматроқ. Айтайлик, кийим-кечак бироз арзон, бозорларда мева-чева ёхуд картошка-пиёзнинг баҳоси бир-икки сўм баландроқ. Ахир, ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу тарози деганлар-ку!

Бу йил ЮНЕСКО қарорига кўра Манаснинг минг йиллиги ўтказилади. Ҳамма жойда бу улкан воқеага қизғин тайёргарлик кўрилаётир. «Манас» достони — халқ оғзаки ижодининг улкан дурдоналаридан бири. Масалан, унинг машҳур бахши Саякбой Каралев тилидан ёзиб олинган нусхаларидан бирида ярим миллион сатрдан кўпроқ жўшқин шеърлар мавжуд. Бу «Илиада» ва «Одиссея» асарларини бирга қўшганда улар ҳажмидан 20 марта кўпдир. Унда ҳаётий ва тарихий воқеаларнинг кенг қамрови битилган. Жумладан, тилдан-тилга кўчган, нусхаларидан бирида турли минтақалардан 113 мамлакат, 530 дан ортиқ овул, шаҳар ва бошқа аҳоли истиқомат жойларининг номлари қайд этилган. Улкан эпос фақат шулар билангина эмас, балки илҳомбахш мазмуни — эрк ва озодликка чорловчи, эл-элатларнинг бирликка, тинчликка ундовчи улуғ ғоялари туфайли мангу яшамоқда. Марказий Осиё республикалари газеталари бош муҳаррирларининг Қирғизистон заминидаги халқаро йиғини улуғ Манас тўйи арафасида бўлгани учун, унинг тараддудларига қўшилиб, алоҳида мазмун касб этди, бошқача айтганда, замонамиз даъвату талаблари асрий Турон анъаналарига ҳамоҳанг янгради.

Халқаро семинар Бишкекнинг гўзал кошоналаридан бири — Давлат тарихий музейи биносида очилди. Унда Қирғизистон Республикаси Журналистлар уюшмаси раиси А. Султанбоев «Минтақада барқарорликни сақлашда матбуотнинг роли», «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати А. Жўрабоев «Туркистон — умумий уйимиз», Қозоғистон Журналистлар уюшмаси раиси К. Смаилов «Матбуот ва миллатлараро ҳамкорлик» мавзуларида маъруза қилишди. Улар юзасидан қизғин баҳслар, жўшқин мулоҳазалар юритилди, салмоқли таклифлар айтилди, тажриба алмашувлар бўлди. Гарчи булар турли миллат вакиллари тилидан айтилган бўлса-да, уларда мақсадлар умумийлиги, ниятлар уйғунлиги, истиқбол муштараклиги аниқ-равшан намоён эди. Анжуманда Марказий Осиёнинг мустақил республикаларида рўй бераётган оламшумул тарихий ўзгаришларнинг муваффақиятли амалга ошувида матбуотнинг роли, журналистлар ва барча қалам аҳлининг бурчи, масъулияти алоҳида таъкидланди. Зеро, жамиятда рўй бераётган тарихий жараёнлар моҳиятини матбуот равшан очиб беради. У жамият ва давлатни бир-бирига боғловчи мустаҳкам кўприкдир. Матбуотда давр садоси, замон солномаси, халқларнинг дил муддаоси ўз ифодасини тўла топмоғи керак. Оммавий ахборот воситалари ходимларининг масъулияти, шижоати, ҳалоллиги, имони-эътиқоди жамиятнинг бугуни ва келажагига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шу боис замонамиз журналист-ижодкорларидан жўшиб-ёниб ишлашни, ташаббус ва шахсий ибрат кўрсатмоқни талаб этмоқда. Биринчи галда, минтақа халқларининг ўзаро ишончини ва бир-бирларини англашларини кучайтиришга кўмаклашмоқ ғоят муҳимдир. Бунинг учун барча шаклдаги ахборотларнинг эркин ҳамда кенг тарзда тарқалувини таъминловчи кучларни бирлаштириш зарур.

Туркистон — умумий уйимиз

Халқаро семинар иштирокчилари минтақада умумий ахборот ҳудудини ривожлантириш ҳамда кенгайтириш мақсадларидан келиб чиқиб, Марказий Осиё бош муҳаррирлари Ассоциациясини тузишга қарор қилишди. Бишкекда ушбу Ассоциация мақсадларини ифодаловчи Баёнот қабул қилинди. Шунингдек, яна бир муҳим ҳужжатга имзо чекилди. Бу Бишкек анжуманида иштирок этган Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон бош муҳаррирларининг Марказий Осиё минтақасидаги барча оммавий ахборот воситалари вакилларига Мурожаатидир. Унда барча қалам аҳлини ҳақиқий демократик жамиятнинг бош омили — сўз ва матбуот эркинлиги принципларини ҳаётга татбиқ этиш, касб бирдамлиги, муштараклигини таъминлаш йўлида ўзаро масъулиятни янада теранроқ англаш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Анжуманнинг иккинчи куни унинг иштирокчиларини Қирғизистон Республикаси Бош вазири Апос Жумағулов қабул қилди. У мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий ислоҳотлар самараси тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Бош вазир журналистларнинг кўплаб саволларини бажонидил тинглаб, уларга батафсил жавоб қайтарди.

— Биз янги жамият қураяпмиз, — деди у саволлардан бирига тўхталиб. — Қийинчилик бор, муаммолар сероб. Ҳал этувчи омилларимиз ҳам етарли. Муҳими, Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлиги, ўзаро тинчликнинг барқарорлигидир. Иккинчи омил — халқимизнинг фидокорона меҳнати. Буларни рўёбга чиқаришда матбуот ва унинг ижодкорларининг хизмати беқиёс...

Бош вазир сўзининг охирида анжуман иштирокчилари ишига зафар тилади ва уларни Манаснинг яқинда Қирғизистонда ҳам бўладиган минг йиллик тўйига таклиф қилди.

Анжуман иштирокчиларининг Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенгешидаги учрашуви ҳам ғоят қизғин ўтди. Бу ерда уларни Қирғизистон Республикаси Парламенти Халқ вакилликлари мажлисининг терагаси — раиси Алмамбет Матубраимов қабул қилди.

Шу куни анжуман иштирокчиларини Қирғизистон элининг оқини, Қозоғистоннинг Қирғизистондаги элчиси Мухтор Шаханов бир пиёла чойга таклиф этди. Элчихонанинг кўркам биносида бир пиёла чой устида ширин суҳбат бўлиб ўтди.

— Муносабатлардаги самимият, ўзаро ҳурмат — халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкам пойдевори, — деди Мухтор Шаханов. — Дўстликнинг хосияти беқиёс. У аввало, якдиллик туғдиради. Бош муҳаррирларнинг Бишкек анжумани ҳам шу фикримизнинг ишончли шаҳодатидир. Тақдир бизни садоқатли дўстлар билан сийлаган. Уни кўз қорачиғидек асрамоқ, янги анъаналар ила бойитмоқ биз билан сизга фарз...

Кечки пайт мезбонимиз Абдуқодир Султонбоев бизни Қирғизистоннинг миллий боғи — «Ала-Арча»га олиб борди. Олатов дарасига жойлашган бу маскан — жаннатимакон эди: баланд-паст чўққилар билан ўралган арчазорлар пойида яшил майсалар, ранг-баранг гуллар барқ уриб ётар; бир ёнда зилол сувли сой пишқириб, тошдан-тошга урилиб, қирғоқларига нуқра сочиб оқарди. Енгил ёмғир майсаларни ювиб ўтди, сув юзида минглаб хубоблар ёниб-ўчди. Тоғнинг латофатли сабоси елди.

Табиатнинг ажиб манзараси дилларга завқ-шавқ берди. Боғ бағрида ўзига хос баҳс бошланди. Бу адабиёт, санъат, маданият баҳси эди, у қизигандан-қизиб истеъдодлар кўригига айланиб кетди. Мезбон ашула айтиб, қўлидаги коса тўла қимизни хоҳлаган кишисига узатади. Косани олган киши қўшиқ айтиб бериши шарт. Қўшиқ билмаса, косадаги қимизни симириб, идишини тўнтариб мезбонга қайтармоғи керак. Удум баҳонасида янграган қўшиқлар қалбларни тўлқинлантирди.

«Нурли жол» газетасининг бош муҳаррири Қалдибек Сейдановга қимиз тўла коса тутишди. У ҳазиломуз деди:

— Ҳурматли дўстим, Абдуқодир! Назаримда, сиз қирғиз удуми талабини тўла бажармаяпсиз. Қимиз косасини олган одам ўзганинг ёд олган шеърини, ёхуд қўшиғини айтмайди. У ўзи шеър тўқиб, айтмоғи шарт.

— Азиз бовурим, эътирозингиз жуда тўғри, — тан олди мезбон завқланиб.

— Мен асли адабиётшуносман, — сўзида давом этди Қалдибек. — Қирғиз, ўзбек, қозоқ адабиётлари ҳамкорлиги, бир-бирига таъсирига доир кўплаб китоблар ёзганман. Дўстингга қўшиқ айт, меҳрингни қўшиб айт, деганлар. Айтмоқчиманки, мен шоир эмасман. Лекин мен қирғиз удумига содиқ қолиб, шеър тўқийман:

Ала-Арчанинг шўх сойи,
Ичи тўла қўй-қўзи мойи.
Сувин сипқирган яшнаб,
Кишнагай мисли Турон тойи...

Шошма қуёш, ошиқма,
Мен сой ҳуснига тўяйин.
Ўктам қирғиз бовурим,
Кел, ардоқлаб ўпайин.

У гулдирос қарсаклар, завқли қийқириқлар остида қимиз тўла косани қозоғистонлик қадрдонига узатди.

Халқаро семинар иши Қирғизистоннинг жавоҳир сандиғи — Иссиққўл қирғоқларида ниҳоясига етди. Унинг иштирокчилари гўзал Хонсарой масканида икки кун тинимсиз ишладилар. Рубен Сафаров бир гуруҳ ҳамкасбларини ёнига олиб, анжуман ҳужжатларини тайёрлар, уларни қайта-қайта кўздан кечириб, сатрларга сайқал берарди; яна бир тўда ижодкорлар эртанги режалар, дастурлар тайёрлаш устида бош қотирардилар. Тиниб-тинчимас Лутфилла Кабиров ташкилий тадбирларни дўндириб, елкасида видеокамера билан елиб-югуриб, унутилмас лаҳзаларни лентага муҳрлаб олишга ошиқарди.

Пойимизда эса қирғоқлари хазина тўла тоғлар билан ўралган, жимир-жимир тўлқинлари қуёшнинг заррин нурларига чулғанган, кўзи тушган инсонни ўзига оҳанграбодай тортувчи зумрад кўл ранго-ранг товланиб ётарди.

Шоир Азим Суюн мафтункор кўлга бот-бот қараб қўяр, қалби завқ-шавққа, илҳомга тўлиб бораётгани аён эди. Зеро, сеҳрли кўл кимга ҳам илҳом бермайди дейсиз:

О, Иссиққўл, Иссиққўл!
Сеҳру гавҳарлари мўл.
Қучоғингда мен қувноқ,
Қардошингман, эмасман қўноқ.
О, қандай гўзал, яшамоқ —
Сен сингари умрбод уйғоқ...

Яна бир лаҳзани эслатмоқ жоиз. Бу қардошларнинг хайрлашув онлари.

Бош муҳаррирларнинг халқаро семинари ўз ишини муваффақиятли якунлови билан унинг иштирокчилари бир-бирларини табрикладилар. Машиналар йўлга шай. Аммо ҳеч ким шошилмас, ҳатто ҳайдовчиларнинг сигналларига ҳам эътибор беришмасди. Ҳамкасблар бир-бирларини меҳмонга таклиф этишар, тез-тез учрашиб туришга ваъдалашишарди. Шу тарзда анча вақт ўтди, аммо бирон киши хайрлашувга журъат этолмасди. Ниҳоят, қозоғистонлик журналистлар «Эгемен Казахстан» газетаси бош муҳаррири, ажойиб инсон Нурлан Оразалинни қўлда кўтаришиб, осмонга ирғита-ирғита машинага ўтказиб қўйишди.

Ҳамкасблар шу аснода бир-бирлари ва зумрад кўл билан кўзда меҳр, дилларда муҳаббат ила хайрлашдилар.

Неъмат ЁҚУБОВ.

Истиқлолимиз 4 йиллиги шарафига

ТАДБИРКОР ЭЛНИ БОҚАР

Китоб тумани Қашқадарё воҳасида ўзига хос ўрни билан ажралиб туради. Унинг бетакрор табиати, меҳнаткашларининг ишбилармонлиги, савдо аҳлининг тадбиркорлиги эл оғзига тушган. Туманда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамиз Президентининг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, республика Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат корхоналарини очиқ турдаги акционерлик жамиятиларига айлантиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори иқтисодий ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бу қарорлар туфайли йирик корхоналарни мулкчиликнинг янги шаклига ўтказиш йўлидаги кўпгина тўсиқлар барҳам топди. Оддий ишчи-хизматчиларнинг акциядор бўлишлари, мулкка эгалик қилишлари учун кенг имкониятлар туғилди. Ислоҳотлар янги босқичга кўтарилган, одамларда хусусий мулк туйғуси шаклланаётган, бошқарув идоралари мулкни давлат тасарруфидан чиқараётган ва хусусийлаштиришда тажриба тўпланаётган бир пайтда ушбу фармон ва қарорнинг муҳим ўрни бор.

Шу пайтгача корхонасини очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантирмоқчи бўлган раҳбар комиссия тузарди. Комиссия бир ой давомида ҳужжатларни тайёрлаб, давлат мулки бошқармасига топширарди. Бошқарма эса бир ой муддат ичида мулкни баҳолаб биринчи бадали тўланган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ордерни берарди. Ҳужжатларни адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтказиш, молия маҳкамаларида тасдиқлатиш учун яна 2-3 ойлаб вақт кетарди. Қанча-қанча одамлар овораю сарсон эди. Ортиқча техника сарф-харажатига мажбур бўлинарди. Мазкур фармон ва қарор амалий ишга тўсиқлик қиладиган бундай ғовларга чек қўйди.

Ҳозирда давлат корхоналарини очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантириш учун 50 кун муддат қатъий қилиб белгиланган.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни жадаллаштириш иқтисодий ислоҳотларнинг негизидир. Туманда ҳозирга қадар 3 та йирик саноат корхонаси, 79 та маиший хизмат, 97 та савдо шохобчаси, 23 та қорамолчилик фермаси, 131 та боғ ва токзорлар, 2269 та уй хусусийлаштирилди.

Ўтган йили ип йигирув фабрикаси, «Қашқадарёмармар» бирлашмаси, 76-автокорхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. «Кафолат» техника савдо маркази, 106-қурилиш корхонаси, 6-дорихона жамоа мулкига ўтди. 10 та дорихона, тиббиёт техника асбоб-ускунлари дўкони, кийим-бошларни кимёвий тозалаш цехи ҳам хусусийлаштирилди.

Шу йилнинг биринчи ярмида эса қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш корхонаси, чорвадорларга техник хизмат кўрсатиш корхонаси, «Кимё» корхонаси, «Китоб» меҳмонхонаси давлат тасарруфидан чиқарилди. 345 та корхона эса тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатмоқда. Шуларнинг ярмига яқини йилнинг олти ойида рўйхатга олинди. Тадбиркорлар уюшмаси ва бизнес фонд тузилиб, фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги пайтларда уй-жой, савдо ва хизмат кўрсатиш биноларини қуришга ажратилаётган ер майдончалари «Кимошди» савдоларига қўйилмоқда.

Тадбиркорликни кенгайтириш мақсадида кичик ва хусусий корхонларнинг вакиллари Ҳамдўстлик мамлакатлари билан ўзаро олди-берди алоқаларини йўлга қўйдилар. Новосибирск шаҳрида туман улгуржи базасининг савдо дўкони, Самара шаҳрида «Макрид» кичик корхонасининг «Кеш» фирмаси, ўз навбатида Китоб шаҳрида Хабаровскнинг «Илҳом» фирмаси фаолият кўрсатмоқда.

Қурилиши тугалланмаган «Навбаҳор» хўжалигидаги консерва заводи «Замон» кичик корхонасига берилди.

Яқинда бўлиб ўтган республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича идоралараро кенгаш мажлисида қишлоқ жойларда кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришнинг аҳволи ва уни жадаллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги масала муҳокама қилиниб, саноатни одамлар ҳузурига — қишлоққа олиб бориш кераклиги алоҳида таъкидланганди. Дарҳақиқат, деҳқоннинг пешона тери эвазига етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўша жойнинг ўзида қайта ишланганига нима етсин. Масалан, кейинги пайтларда қишлоқларда кичик-кичик саноат корхоналари қуришга эътибор кучайтирилмоқда. «Зарафшон», Шодмон Умаров номли, Улуғбек номли хўжаликларда сут заводлари, «Китоб», «Варганза», «Паландара» хўжаликларида мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналари ишламоқда. «Китоб» ва Навоий номли хўжаликларда эса тамакини қайта ишлайдиган, Улуғбек номли хўжаликда пиллани қайта ишлайдиган цехларда иш қизғин.

Тадбиркор элни боқар, деб бежиз айтилмаган. Шу сабабдан туман ҳудудидаги тадбиркорларга алоҳида эътибор билан муносабатда бўлмоқдамиз. Уларга шаҳар марказидан ер участкалари берилди. Савдо дўконлари, хусусий корхоналар очилмоқда. Токи ҳар бир одам кўнглида катта-катта ишлар қилиш менинг ҳам қўлимдан келади дея олса, биз унга ҳамма имконият ва шароитни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Қанийди ҳар бир киши яратиш, ҳалол даромад топиш, бадавлат бўлиб яшаш ишқи билан ёнганда қишлоқлардаги хусусий тадбиркорликнинг ривожига-ривож қўшиларди.

Шу ўринда туман ғаллакорларининг фидокорона меҳнатини айтиб ўтмоқчиман. Бу йил 40 минг тонналик ғалла хирмони уйилди. Яқин йилларда бунчалик кўп миқдорда ҳосил олинмаган эди. Унумдорлик ҳам деҳқоннинг меҳнатига яраша бўлди. Сувли майдонларда гектаридан 38-40, лалми ерлардан эса 20 центнергача ҳосил олинди. Туман тарихида илк маротаба аҳолини ун ва нон маҳсулотларига бўлган талабини ўз кучимиз билан, етиштирган ғалламиз эвазига таъминлаш имконига эга бўлдик. Бу республикамиз ҳукуматининг ғалла мустақиллигига эришиш йўлидаги халқпарвар сиёсатига муносиб жавобимиздир.

Албатта бу ғаллакорларнинг миришкорона меҳнати, табиатнинг бизга қарашгани эвазига бунёд этилган ғалла хирмонидир. Кимки ернинг умрини зое ўтказмаса, ер ҳам уни бенасиб қўймайди. Тер тўкканга ер тўкади, деб бобомиз Амир Темур жуда пурҳикмат сўзларни айтган. Ғалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгор қилиб бир қисмига пахта экдик. Қолганига картошка, полиз экинлари, тамаки, маккажўхори, мош ва ловия сингари такрорий экинлари жойлаштирилди. Дастлабки ҳосил бўй кўрсатиб қолди. Айрим тажрибали деҳқонларнинг кафолат беришича, улар учинчи марта ҳам ҳосил олишни мўлжаллашмоқда.

Туманимизда капитал маблағларни ўзлаштириш ҳам кўнгилдагидек. Ярим йилда 32 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Режалаштирилган 11 та иншоот фойдаланишга туширилди. 7,5 километрга яқин газ қувурлари ётқизилди. М. Бобоев номли жамоа хўжалигига қарашли чекка Қум қишлоғига табиий газ келди. 6 километр масофада аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қувурлар ётқизилди.

Фикри-хаёлимиз мустақил республикамизнинг истиқлол байрамининг 4 йиллигини муносиб кутиб олишда. «Китоб» жамоа хўжалигида қуввати 21 минг тонна мевани қуритиш имконига эга бўлган «Сандвиг» корхонаси, Санам маҳалла қўмитаси бинолари, район марказида ички ишлар бўлими учун маъмурий бино мустақиллик кунида ишга туширилади. Ерларни ўзлаштириб деҳқончилик қилиш учун мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 10 километрлик Қишлик — Макрид канали қурилиши яқинда ниҳоясига етади.

Яқин келажакда амалга оширишни режа қилиб қўйган ниятларимизнинг чеки йўқ. Иккинчи ярим йилликда «Зарафшон» агрофирмасида ун заводи, туман марказида маҳсар ўсимлигидан ёғ оладиган цех қурилишини режалаштирганмиз. Шу йилнинг иккинчи ярмида Р. Шаймонов номли, Охунбобоев номли, Улуғбек номли хўжаликларнинг ҳар бири ҳудудида 2-3 километрдан, шаҳар марказида эса бир километр газ қувурлари тортилади.

Ўтган олти ойда туман саноат корхоналари жамоалари 94 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу белгиланган режа 117 фоизга бажарилди, деганидир.

Қишлоқ истиқболи — юртимиз истиқболидир. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқариш, иқтисодий мустақилликка томон дадил қадам қўйиш барчанинг фикри-хаёлидадир. Дарҳақиқат, қишлоқни юксалтирмасдан республикамиз келажагининг буюклигини таъминлашга эришиб бўлмайди. Ҳар бир китоблик бу ҳақиқатни дилига жо этиб яшамоқда, шунга яраша меҳнат қилмоқда.

Чоршанба ШОНАЗАРОВ,
Китоб тумани ҳокимининг муовини, иқтисодиётни мувофиқлаштириш ва статистика бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигида

МАВСУМ ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 июлдаги «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айни вақтида қабул қилингани билан аҳамиятлидир. Чунки бу йил олдинги йилларга қараганда ҳосил эрта етиляпти. Шунга яраша мавсумга тараддудни ҳам барвақт бошлаш даркор.

Етиштирилган хом ашёни йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ янги ҳақ тўлаш жорий этилди. Унга кўра икки қаторли машинада терилган кондицион оғирлиги бир тонна бўлган пахта учун камида 30 сўм, тўрт қаторлида йиғилганига 20 сўм, қўлда терилганининг бир килосига камида 1 сўм 20 тийин тўлаш белгиланди. Бу деҳқон моддий манфаатдорлигини таъминлайди. Унинг меҳнатига яраша ҳақ олиши, ҳосилни жадал йиғиштириб олишда муҳим омил бўлади.

Мавсумга тайёргарлик олдидан вазифаларни белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигида мажлис бўлди. Унда вазирликлар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг муовинлари, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси раислари, тегишли ташкилот вакиллари иштирок этдилар.

Ҳозир ғўза парваришида муҳим палла — ҳосилга ҳосил қўшиш ойи. Эрта баҳордан қилинаётган фидокорона меҳнат мевасини берадиган кунлар яқин. Шуниси қувончлики, июль ойининг учинчи ўн кунлигида бир қанча жойларда пахта табиий равишда очилди. Ўнлаб хўжаликларда эса шу кунларда ҳар туп кўчатда 6-7 тадан кўсак бор.

Дарҳақиқат, республикамиз далаларида чигит экиш эрта тугаллангани, ёзнинг иссиқ келгани ғўза ривожини тезлаштирди. Бу йил ўтган йилга нисбатан ҳосил 10-12 кун олдин етилмоқда. Ҳатто, баъзи туманларда ўтган йилга нисбатан фарқ 20-25 кунни ташкил этади. Қишлоқ хўжалик вазири Р. Ҳусановнинг таъкидлашича, республикамиз бўйича ҳар гектар майдонда ўртача 99 минг туп кўчат сақланган. Бу бултургига нисбатан кўп демакдир. Ўсимлик 1994 йилга нисбатан кўп миқдорда иссиқлик олди. Масалан, Хоразм вилоятида 125 даража иссиқлик ортиқ бўлди. Умуман, қолган туманларда фарқ 22 даражадан 150 даражагача етди.

Ҳар нарсанинг ўз мавриди бор, дейишади. Муддатида ўғитланиб, меъёрида суғорилган экиндан мўл ҳосил олиниши барчага аён. Бироқ баъзи жойларда минерал ўғит солиш ҳанузгача давом этмоқда. Бу кўчат ривожига салбий таъсир кўрсатаётир. Кечикиб берилган ўғитдан ҳосил кўпаймайди. Қайтанга кўсак қотади, очилмайди.

Барча вилоятларда июль ойи ниҳоятда иссиқ келди. Оқибатда шона, гул тўкилди. Унинг ўрнини тўлдириш учун айни кунларда ҳаракат қилмоқ даркор. Экин майдонларига гўнг солиниб, шарбат берилса, меъёрида суғорилса, кўзланган ҳосил албатта унади. Маълумки, ўтган йили қатор туманларда етиштирилган пахта тош босмади. Бундан тегишли хулоси чиқариш лозим.

Ҳозир ҳамма ерда ғўза чеканкасига киришилди. Наманган вилоятида ушбу тадбир тугалланди. Андижон, Фарғона вилоятларида ниҳоясига етиш арафасида. Лекин бошқа вилоятларда бу юмуш талаб даражасида адо этилмаяпти. Айниқса Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ишлар ниҳоятда суст. Ваҳоланки, чеканка 1 августгача тугалланиши керак. Чеканкани ўтказишда «ПИКС» препаратидан фойдаланиш катта иқтисодий самара беради.

Ғўза зараркунандаларига қарши курашни ҳам қониқарли деб бўлмайди. Бир қанча жойларда ўргимчаккана кўпайиб кетаяпти. Мутахассислар шунча гектар жойда шунча марта ишлов бердик, деб ҳисобот ёзишади-ю тадбирнинг сифатли ўтказилган, ўтказилмаганлиги билан қизиқишмайди. Не-не пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни ҳашаротга едириб бўлмайди. Ўргимчаккана кўпайган далаларда ҳашаротларга қарши курашишни кучайтириш керак.

Пахтани қисқа фурсатда йиғиштириб олиш аввало пахта териш машиналарининг мавсумга қай даражада тайёрланганлигига боғлиқ. Қолаверса, дефолиация қилинадиган майдонларни сифатли дорилаш зарур. Кенгашда қайта-қайта таъкидланганидек, дефолиация пайтида экинларга дорини керакли миқдорда бериш шарт. Чунки ўтган йили Сирдарё ва Жиззах вилоятларида белгиланган меъёр ўрнига ҳар гектар ерга оз миқдорда дори сепилди, холос. Натижада ғўза барглари тўла тўкилмади, кўсаклар бирдек очилмади. Камида 15 фоиз ҳосил майдонда қолиб кетди.

Ёзнинг учинчи ойи бошланаяпти. Аммо баъзи жойларда дон ҳанузгача ўриб олинмаган. Унинг устига ғалласи ўриб олинган ўнлаб гектар майдонлар шудгорланмай ётибди. Ваҳоланки, пешма-пеш ерни ҳайдаб, текислаб, гўнг чиқариш лозим. Тажрибадан маълумки, ғалла ўрнига экилган чигит парвариш давомида касалликка кам учрайди, ҳосилдорлик 4-5 центнер кўпаяди.

Бу йил дон уруғлиги экишда олдинги хатоларни такрорламаслик жоиз. Бултур кўп майдонларда уруғлик навига эътибор берилмади. Истеъмолга ажратилган буғдойдан экилди. Иккинчидан, уруғлик бир гектар ерга 280-300 кило ўрнига жуда оз миқдорда сочилди.

Сўнгги пайтларда қорамолчилик фермаларини кимошди савдосида сотишга етарли эътибор берилмай қўйилди. Қашқадарёда биттагина, Сирдарёда эса учта ферма сотилди, холос. Юртимизда маъмурчиликка эришиш учун фермаларни тадбиркорлар қўлига топшириш керак.

Яна икки ойдан сўнг чорва қишлови бошланади. Афсуски, мавсумга озуқа жамғариш қатор туман ва хўжаликларда талаб даражасида эмас. Шу кунгача бир бош шартли молга 36 фоиз емиш тайёрланди. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, аёзли кунларда нима бўлади? Чорвачилик ҳеч қачон иккинчи даражали вазифа бўлмаган. Халқимизга гўшт ва сут маҳсулотлари кунда керак. Буни унутмайлик. Тармоқни юксалтиришнинг биринчи шарти эса мустаҳкам озуқа базаси яратишдир.

Ғанимат кунларнинг ҳар онидан унумли фойдаланайлик. Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланганидек, пахта йиғим-теримига тайёргарликни 20 августгача тугалланиши жоиз. Бу борада кўп жойларда ибратли ишлар қилинаётир. Бошқалар ҳам улардан ўрнак олишсин. Мавсумни ҳеч бир камчиликсиз бошласак, Ватанимизнинг улкан хирмони қисқа кунларда тикланади.

Кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари К. Сарсенов ҳамда Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ҳокимларининг муовинлари мавсумга тайёргарлик тўғрисида ахборот бердилар. Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ Жўрабеков қатнашди ва сўзга чиқди.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,
Деҳқончилик бўлими мудири.

Оқдарё туманидаги Карл Маркс номли деҳқон хўжаликлар уюшмаси пахтакорлари бу йил 230 гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда. Заршуносларнинг нияти ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш. Дала илғорлари — Шаҳноза Худойқулова ва бошқалар бугуннинг долзарб юмушларида фидокорона меҳнат қилишаяпти.

СУРАТДА: Шаҳноза Худойқулова.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ХОРАЗМ ЯНГИЛИКЛАРИ

- Республика кўчмас мулк биржаси Хоразм вилоят бўлими ўтказган навбатдаги савдога дастлабки баҳоси салкам 237,5 минг сўм бўлган иншоотлар, шу жумладан юк ва енгил машиналар қўйилди. Улар 305 минг сўмга харид қилинди.

* * *

- Боғот дон маҳсулотлари комбинатидаги янги ун цехига ускуналар ўрнатила бошланди. Ҳар кеча-кундузда 70 тонна ун тортиш қувватига эга бўлган бу мўжаз корхона Швейцариянинг «Бюмлер» фирмаси технологияси асосида жиҳозланмоқда.

* * *

- Хоразмлик 60 нафар ўқувчи ёзги таътилни Молдованинг хушманзара дам олиш жойларида ўтказади. Улар асосан Хива болалар уйи тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандаларидир. Сафар Молдова Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси ҳамда «Экосан» вилоят бўлими ҳомийлигида ташкил этилди.

(ЎзА)

КАТТАҚЎРҒОНЛИК ЧОРВАДОРЛАР ТАЖРИБАСИ

Эгамберди Шодиевнинг ёшлиги Каттақўрғоннинг Мўминхўжа қишлоғида ўтган. У ўрта мактабни тугаллаб, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида ўқиди, олий маълумотли бўлди. Шу-шу унинг меҳнат фаолияти чорвачиликни ривожлантириш билан узвий боғлиқ. У ўз соҳаси бўйича кўп вазифаларда ишлади. Икки йилдирки, Эгамберди Шодиев молларни саноат асосида бўрдоқига боқиш чорвачилик мажмуига раҳбар. Шу давр мобайнида сўқимга боқилаётган моллар бош сони 11 мингдан 17 мингтага етказилди. Эл дастурхонига гўшт етказиб бериш режаси ортиғи билан бажарилмоқда.

Беш ойда 1306 тонна ўрнига 1320 тонна гўшт сотилди. Шундан 53 тоннаси шаҳар аҳолиси учун арзон нархда савдога чиқарилди. У ерда бўрдоқига боқилаётган новвосларни семиртириш бўйича белгиланган режалар ҳам ошириб уддаланмоқда. Ўтган беш ойда қорамоллардан 941 тонна қўшимча вазн олиниб, 594 минг сўмлик қўшимча даромадга эга бўлинди. Бу муваффақиятда Шерали Абдуллаев, Аҳтам Ҳайитов, Яздон Муродовлар қўшаётган ҳисса салмоқли бўлаётир.

— Жамоамиз ютуғида барча фидойиларнинг меҳнати мужассам, — дейди иқтисодчи Нурулла Кашанов. — Моллар боқувини тўла рацион асосида, зооветеринария қоидаларига амал қилган ҳолда олиб бораяпмиз. Даромаднинг бош манбаи тежамкорлик. Ҳисоб-китобни пухта олиб борган одамнинг топганига барака кираверади. Бўрдоқи гўшт етиштириш билан бирга бу йил 1,5 минг гектар ерда ғалла етиштирдик. Олинган ҳосил аввал жамоамизда меҳнат қилаётган 700 нафар молбоқар, зоотехник, ветеринария врачлари, ҳайдовчи ва бошқа мутахассисларга тарқатилди. Қолган арпа дони тегирмонимизда тортилиб, бузоқларга атала қилиб берилади. Доннинг бир қисмини уруғликка олиб қолдик. Шунингдек, эрта пишган ўрик, олма, гилос, олча чорвадорларга арзон нархларда сотилди. Шу соҳалардан келадиган 2 миллион сўм соф даромадни оталиғимиздаги мактаб, болалар боғчаси, шифохона ҳамда ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга сарфлаймиз. Қолганига 8 минг бош наслдор бузоқ харид қиламиз.

Суннатилла Халилов етарли тажриба тўплаган, ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлардан. Бундан икки йил муқаддам у молларни саноат асосида бўрдоқига боқиш чорвачилик мажмуи негизида «Чорвадор» кичик корхонаси очиш масаласида Эгамберди Шодиевга мурожаат қилган эди. Раҳбар бу шижоаткор йигитнинг ниятини қувватлади. Барча имконият яратилди. Зарур ёрдам кўрсатди.

Суннатилла қурувчи-муҳандис Илҳомжон Ҳамроев билан шакар ва оқлик асал билан аралаштирилган қуюлтирилган сут ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кичик корхона ихтиёрига 10 бош соғин сигир берилгач, сут ва қаймоқ ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

Яқинда «Чорвадор» кичик корхонасининг хизмат тури яна учтага кўпайди. Бу ерда 70 минг сўмга яқин қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, учта савдо дўкони фойдаланишга топширилди. Дилбар Ҳайдарова раҳбарлик қилаётган цехда Оқтош унидан ёпилган қолипли ҳамда шоппоти нонлар, булочка, печеньелар каттақўрғонликларга ғоят манзур бўлмоқда. Битта дўкон гўшт сотишга ажратилган. Унинг килограмми 29 сўм.

Мажмуа раҳбари Эгамберди Шодиевнинг таъкидлашича, шундай савдо дўконлари шаҳар деҳқон бозори, Амир Темур шоҳ бекати ва Шавқий номли мавзеларда ҳам барпо этилади.

Ғайратжон ШУКУРОВ.

Қ/хакиқати 1995 28 июль №30

Замондошларимиз

САОДАТ

Теварак-атроф яшилликка бурканган. Эрталабки салқин ҳаво димоққа урилиб, киши баҳри-дилини очади. Катта кўчанинг чеккасига қатор қилиб экилган арчалар шакл бериб буталган. Мажнунтол шохлари оҳиста тебраниб, барглар хилпираши ўзгача таровот бағишлайди. Гужумларнинг салобатли бўйи катта жойга соя ташлаган. Алвонранг гулларнинг чиройи борлиқ қўйнида янада ҳушманзара кашф этади. Икки қаватли бинони дарахтлар ўз паноҳига олгандай яширган.

Қабулхонада ёрдамчидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Ичкарига ўринбосарлардан бири кириб кетган экан. Ўрта бўйли, тўладан келган йигит қаердан келганимизни, исми-шарифимизни суриштирди. Қабулхонага бирин-кетин одамлар кира бошлашди. Ҳар ким ўз дарди билан келган.

Катта хонада жиҳозлар батартиб жойлаштирилган. Хушфеъллиги, билимдонлиги билан Хоразмда танилган ҳокима қоғозга алланималарни белгилашдан тўхтади ва пешвоз чиқиб илиқ кўришаркан, ўтиришга таклиф қилди.

— Қабулхонадагилар кутиб қолишмасин. Сизларга халақит бермай, чеккада кузатиб ўтирамиз, — дея мақсадга ўтдик.

...Тилла тақинчоқлар осган, ўзига роса зеб берган келин дардини айтиб ёрила бошлади. Мактабда дарс бераркан. Қийинчиликларга қайишмаганлиги, енгил ҳаёт кечиришга ўрганганлиги ноз-карашмасидан сезилиб турарди.

— Шакаржон опа, хўжайиним билан бирга алоҳида яшамоқчи эдик. Шунга жой керак.

— Турмуш қурганингизга қанча вақт бўлди?

— Кўп бўлгани йўқ.

— Нимага дарров кўчишни орзу қилиб қолдингиз?

— Қайнонам билан келишмай юрибмиз.

Ҳокимада оналик ҳисси уйғонди. Гўё ўз фарзанди ножўя иш қилгандай бир сесканиб қўйди. «Аттанг» дегандай бошини сарак-сарак қилди.

— Турмушга енгил қарамаслик керак, синглим. Ота-она фақат яхшилик ўргатади, фарзандини жон-дили билан парваришлайди. Сиз келини эмас, қизи бўлишга ҳаракат қилинг. Мен ўн икки йил қайнонамга хизмат этдим, унинг дуосини олдим. Бу жаҳонни қайтар дунё дейишади. Қайнонани қанча ҳурматласангиз, савоби катта. Сиз ҳам вақти келиб келин туширарсиз ва у қилмишингизга яраша жавоб қайтаради.

Келин ер чизиб ўйланиб қолди. Шу топда нима ҳақда ўй сураётгани номаълум эди.

— Ҳаёт тўкисликни яхши кўради, — сўзини давом эттирди ҳокима. — Ота-она, қайнона-қайнота билан ҳам бир бўлиб, борини баҳам кўриб, маслаҳатли иш қилишга не етсин?! Алоҳида яшашнинг қандай устунлиги бор? Фақатгина ўзим хоҳлаганча яшайман деган жойи бор. Тўғри, ҳамма ҳам билганича ҳаёт кечириши мумкин. Лекин сиз ёш, фарзандлар ёш, ҳар томонлама ёрдамга муҳтож бўласиз. Турмуш кинодагидай енгил эмас. Уй-жой қуриш ғоят мушкул иш, ора йўлда қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун қайнонанинг оғирини енгиллатинг, оқ фотиҳасини олиб, ўзлари айтгунларича кутинг. Шу ҳақда ўйлаб кўриб, кейин келарсиз.

— Тўғри, рўзғор тебратиш осон эмас, — тушуниб маъқуллади келин.

У хижолатомуз бўлиб, узр айтди. Кўзини қоплаган парда йиртилгандай туюлди. Ийманиб ташқарига йўналди...

Шу пайт аждодларнинг ҳикматли гапи эсга келади: «Фаҳм-фаросатли, зийрак одамлар фикр ойнасига оқиллар ишорати ва насиҳатлари билан сайқал берадилар. Ҳамма вақт фаҳм-идрок ва тадбир томонига қарайдилар, ҳовлиқиш, шошқалоқликдан қочадилар. Натижада иқбол ва давлат эшиги уларга очилади, саодат гавҳарлари бошларига сочилади». Ҳокиманинг шошмасдан тушунтириш орқали хулоса чиқариши ғафлат бандасини уйқудан уйғотди.

Ҳар хил тоифадаги одамлар билан мулоқот қилиш туфайли ҳаётнинг паст-баландини чамалай олса бўларкан. Келган кишининг ниятини оғиз жуфтламасиданоқ сезиш мумкин. Кўзларнинг нури эса инсоннинг ички дунёсидан хабар беради. Ҳокима нозик ҳиссиёт билан одам кўнглидагини топарди.

Бир отахон Шакаржон опа қабулига кириб келди. Фотиҳага қўл очиб, дуо қилди. Тишлари тўкилиб кетган, фақат лабининг чеккасида биттаси кўриниб турарди. Кексанинг нимадандир қийналгани шундоққина сезиларди. Гапни нимадан бошлашни билмай, бироз каловланиб турди. Яхши сўз жон озиғи, деганларидай ҳокиманинг мулойим товушидан кейин дадил оғиз очди.

— Қизим, кичкина уйда якка-ёлғиз яшайман. Боқувчисиз, дея ёрдам кўрсатишарди, минг раҳмат. Лекин яқинда қариндоши бор экан, дея ҳисобдан чиқаришди. Ўзинг биласан, баъзи ўғиллар ўз отасини боқмайди, унга қарамайди. Қариндош бўлиб мендан кунора хабар олармиди? Овқатни ўзим пишириб есам, уст-бошимни ўзим тикиб кийсам.

«Ўғли бўлганида тилла бўлмаса ҳам сунъий тиш қўйдириб берарди. Яхшилаб парвариш ҳам қиларди», ўйлади ҳокима отахон ҳақдаги маълумотларни ёзиб оларкан.

— Ҳафа бўлманг, отахон. Ўзим назоратга оламан.

— Илоё, мартабанг улуғ, умринг узоқ бўлсин. Бизга ғамхўрлик қилаётган ҳукуматимизга минг раҳмат.

Одамнинг энг бахтли куни бошқаларга эзгулик қилган дамларидир. Кекса кишининг севинч тўла кўзлари хотирага муҳрланди. Иккинчи томондан, отахоннинг ҳолига ачиниш ҳиссиёти вужудни қамради. Ёрдамга муҳтож одамлар борлиги чуқур ўйга толдиради.

— Кўпинча одамлар охирги умидда Сиздан нажот сўраб келишади. Ҳар бирининг истагини бажо келтириш қийин бўлса керак сўраймиз ҳокимадан.

— Кўнгли ярим одамларнинг бошини силаганни Тангри хуш кўради, — дейди Ш. Хўжаниёзова. — Ўтган йил қишнинг изғирин дамлари бошланган пайт эди. Бино олдида бир аёл турарди. Муштипар онанинг иккала ўғли ҳам соқов эди. Муносиб келинлар ҳам топган экан. Тўйини ўтказиб бергандик. Жуда совуқ бўлишига қарамай узоқ қишлоқдан миннатдорчилик айтгани келган экан.

Ҳокима элнинг тўйу маъракасига ҳамиша камарбаста бўлиши туфайли таклиф этиб келувчиларнинг изи узилмайди. Бир куни эшик очса, оддийгина кийинган, ўрта ёшли киши меҳр билан қараб турибди. Ҳаллослаб-ҳансираши узоқдан пиёда келганини англатарди. Узоқ Магаданда фарзандимиз оғир операция бўлиб ётган пайтда унинг эсон-омон олиб келинишига ёрдам бергандингиз. Ўша ўғлингизнинг тўйига таклиф қилиб келдим», — деди у. Уч-тўрт йил олдинги воқеани эслади. Қаттиқ чарчаганига қарамай тўй куни табриклаб келди. Куёвнинг бувиси севиниб, энтикиб-энтикиб узоқ дуо қилди. Ўша онларда Шакаржон опа ўзининг ҳаёт йўлини бир-бир кўз олдига келтирди: гапга чечан қизалоқни маҳалладаги ҳамма суюб-алқарди. Айниқса Тўтижон аянинг «Ширин қизим, шакар қизим», деб эркалашлари хуш ёқарди. Ёшлигимданоқ оёқ яланг югуриб мол боқар, ота-онасига кўмаклашаётганидан мамнун эди. Далада ўсганлигидан иш шароити оғирлигини чуқур ҳис этди. Механизмлар камлигидан асосий ишлар қўл кучи ёрдамида бажариларди. Шунда одамлар ишини енгиллатишни орзу қилди, техникага меҳр қўйди.

Фақат меҳнат ҳар қандай кишини тоблайди. Ақлли одам ҳунар ўрганади. Қўлида касби бўлган киши халқ иззатига сазовор бўлади. Билим эса қимматлидир, чунки уни ҳеч ким ўғирлай олмайди. Билим олишга интилиш уни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олийгоҳи томон етаклади. Муҳандис-механик касбини чуқур эгаллаб, ўз қишлоғига қайтди.

Турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўргач, қийинчиликларни енга оладиган куч-қудрат пайдо бўлади. Ҳаётнинг бўронли тўлқинлари қаноат этишни ўргатади. Чунки Олло таоло одамларнинг сабр-бардошини синаб кўриш мақсадида қайғу-аламга дучор қилади. Ундан чидам билан ўтганни саодатли кунга элтади. Кеча ва кундуз галма-гал келганидек, ғамдан кейин албатта шоду хуррамлик бошланади. Тўрт йилдан зиёд ижроия қўмитасига раислик қилиш, олти йил туманни бошқариш осон кечмаяпти. Шу даврда туманда қандай силжишлар рўй берди, деган савол туғилиши табиий.

Биринчи навбатда маориф ва соғлиқни сақлашга эътибор қаратилди. 540 ўринли 8 та мактаб, 2 та ҳунар-техника билим юрти, 740 ўринли касалхона қурилди. Тикувчилик фабрикаси, Буюк Британия — Ўзбекистон қўшма корхонаси, консерва заводлари ва бошқа йирик корхоналар вужудга келтирилди. 3,5 минг ишчи ўрнига мўлжалланган тўқимачилик мажмуаси, йилига 1 миллион шартли дона чинни маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган завод барпо этилмоқда.

Ташаббускорлик, омилкорлик туфайли Боғот туманида ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Президентимизнинг олиб бораётган халқпарвар сиёсати ер ва мулк ҳақиқий эгасини топишини таъминламоқда. Мавжуд экин майдонларининг барчаси узоқ муддатга ижарага берилди. Мулкка бўлган муносабат ўзгарди. Одамларда эгалик ҳисси уйғонди. Ишлаб чиқаришда уларнинг эркинлигини таъминлашга эътибор қаратилди. Улар кўпроқ соф фойда олиш омилларини излаб, камроқ харажат билан юқори ҳосил олиш йўлларини ишга солмоқдалар.

Ерларнинг унумдорлигини ошириш, илмий асосланган алмашлаб экишни кенг жорий этиш асосий вазифага айланган. Деҳқончиликни ривожлантиришга етук мутахассислар жалб қилинмоқда. Ташкил этилган фермер хўжаликлари раҳбарларига зарур билимларни эгаллашда амалий кўмак берилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қарата чиқарилган фармонлар изчил амалга оширила бориб, тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Қишлоқ жойларида хом ашёни қайта ишлайдиган кичик корхоналар кундан-кунга кўпаймоқда. Новвойхона, ҳар хил устахоналар, тикувчилик, тўқувчилик, дурадгорлик, темирчилик каби цехлар деярли ҳар бир хўжаликда мавжуд. Аҳолига хизмат кўрсатаётган шахсий дўконлар сони ошиб, тадбиркорлар сафи кенгаймоқда. Шу тариқа қишлоқ жойларида аҳолининг бир қисми савдо, маиший хизмат ва саноатга жалб қилинмоқда.

Хусусийлаштириш мулкка бўлган муносабатни тамомила ўзгартиради. Шунга асосан туманда савдо, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатувчи хусусий 31 та корхона, 9 та дўкон, 21 та кичик корхона, 18 та фермер хўжалиги, 15 та чорвачилик ҳиссадорлик жамиятлари кенг фаолият кўрсатмоқда. 22 та давлат корхоналари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг 145 та шохобчалари хусусийлаштирилиб, воситалар жамоа мулки сифатида расмийлаштирилди. 3 та давлат хўжалиги мулкчиликнинг жамоа ва ижара шаклига ўтказилди.

...Катта тадбир бошланишидан олдин дарахт соясида гуруҳ-гуруҳ одамлар турарди. Улар орасида кексароқ ёшли одамни қидирамиз. Ҳар қалай бир қанча раҳбарларни билган, бирга ишлаган бўлиши мумкин. Кўпни кўрган киши аниқ баҳо бера олади. Нигоҳимиз вазмин табиатли, сочи қор тусини олган кишини излаб топди. Суҳбатга чорладик. 20 йилдан бери хўжаликка раҳбарлик қилаётган, тажрибали мутахассис экан.

— Ҳокиманинг иш юритиш услуби оддий одамлардан тортиб раҳбарларгача маъқул келади. У суҳбатдошини охиригача тинглай олади ва ҳар бир масала бўйича аниқ, тўғри ечим топади, — деди «Боғот» жамоа хўжалиги раиси Машариф Қувоқов. — Олдин ишлаган раҳбарларнинг иш услублари билан яқиндан танишган. Бошга қийинчилик тушганда қандай иш тутишни билади. У ҳар бир масалада маслаҳатлашиб яхши фикр юритади ва оқибатини ўйлайди. Ҳар соҳани ипидан-игнасигача билишга интилади.

Қуш парвози қанотларига боғлиқ. Қанотлари эса ёш, бақувват, билимдон кадрлар билан мустаҳкам. Елкадош ўринбосарлари оққўнгил, ишчан, юртимиз севган кишилардир.

Бугун ва келажак ўй-хаёллари билан Шакаржон опа Хўжаниёзова йўлга отланади. Гарданида 100 мингдан зиёд боғотликнинг ҳаёти. 56 мингга яқин сайловчининг севинчи-ю ғам-ташвиши зиммасида. Уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, халқ равнағи йўлида жон куйдириш, ҳар бир оиланинг фаровон турмуш кечириши учун интилиш қанчадан-қанча куч талаб этади. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати сифатида кенг қўламдаги тадбирларни амалга ошираётган бу аёлнинг хайрлашиш олдидан айтган сўзлари хаёлимда муҳрланиб қолди: «Гарданимга олган вазифаларни адо этишда халқимиз камарбаста бўлаяпти. Мустақиллик туфайли ўз уйимиз, ўзбекона эркимиз деб яшай бошладик. Иссиқни ҳам, совуқни ҳам енгмоқ учун олдимизда синалган сарбонимиз — элим деган юртбошимиз бор. Ёнимизда халқимиз тинч-омон бўлса, саодатли кунларга албатта етамиз».

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Ризқ-рўз сарчашмаси

ОТА-БОЛА ФЕРМЕРЛАР

Бу фермернинг номи нафақат Пешкуда, ҳатто вилоятда кўпчиликка яхши таниш. Деҳқончилик қон-қонига сингган. У Йўлдош Эргашев номли жамоа хўжалигида қалдирғоч фермерлардан саналади. Талаб ака Фаттоев фермер хўжалигига 9,5 гектар ер ажратилган. Заминга қишда яхоб суви берди, баҳорги экишга ҳозирлади. Хуллас, бирдек серҳосил бўлмаган ерни тартибга келтирди.

«Фаттоев» фермер хўжалиги 1990 йилнинг апрелида 10 бош қорамол билан иш бошлаган эди. Эндиликда қорамоллар сони 56 бошга етди. Шулардан 16 боши соғин сигирлардир. Ярим йилда 40 тоннага яқин сут, 3 тоннадан зиёд гўшт етиштирилди. Сутнинг 28 тоннаси, гўштнинг эса 2 тоннаси давлатга топширилди.

Ишлар юришиб кетгач, Талаб ака «мансаби»ни тўнғич ўғли Ёқубжонга топширди. Йўқ, у кексайиб қолганлиги учун бундай қилмади. Ҳали кучқуввати бор.

Унинг нияти ўғли мустақил фаолият юритишни ўргансин. Тажрибасини оширсин. Қачонгача ерни суғоришдан тортиб, ҳосил йиғиб олингунча Талаб аканинг кўрсатмаси керак? Мақсад кўзи пишсин. Айрим ёшлар бор: битта қорамол сотиб олишни ҳам билмайди. Олса-да, наслдорини танлай билмайди. Бундай ёрдамчи чорвадордан қандай фермер чиқсин?

Икки йиллирки, фарзанд ота ишончини оқлаб келаяпти. Жорий йил 2 гектару 20 сотих майдонда етиштирилган буғдойдан олинган ҳосил гектар бошига 56 центнерни ташкил этди. Бу туманда энг юқори кўрсаткич.

«Фаттоев» деҳқон — фермер хўжалигининг бошқалардан фарқи шундаки, улар давлатдан бир сўм ҳам қарз олишгани йўқ. Хусусий хўжаликни ўз жамғармалари ҳисобидан ташкил этдилар. Тадбиркорлар йил давомида шартлашилган 60 тонна сут ва 4 тонна гўшт топширишни ўринлатишларига ишончимиз комил.

Оилада ҳар кимнинг ўз вазифаси бор. Олим, Аброр, Асрор, Бобур Фаттоевлар озуқабоп экинларни парваришлаб, йиғиштириб, ташишда фаоллик кўрсатсалар, келинлар Абера, Ойша, Шоҳидахонлар бузоқ ва соғин сигирларга қарашади. Жамоа хўжалиги бошқаруви керагида уларга техника ажратиб туради. Лекин ўзингда бўлганига нима етсин. Кейин тез-тез техника сўраб бораверишн ноқулай. Қолаверса, ортиқча харажатларни ўйлаб улар яқинда шахсий трактор сотиб олишди. Демак, ишлар янада юришади, омилкор чорвадорлар топган-тутганига барака қўшилаверади.

Дилбар
ИСТАТ қизи,
Пешку.



Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида жойларда фаолият кўрсатаётган ёрдамчи хўжаликларнинг ўрни бекиёс. Чунончи, Когон туманидаги «Бухоро» жамоа хўжалиги ҳудудида «Бухоро-1» бекатининг ёрдамчи хўжалиги мавжуд. Бу ерда 45 та қорамол, 72 та қўй парваришланмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Механизатор Усмон Эшонов ва «Бухоро-1» бекати касаба уюшмаси раиси Ҳошим Худойқуловлар бугуннинг юмушлари хусусида фикрлашмоқда. 2. Ёрдамчи хўжаликнинг илғор молбоқари Усмон Темиров. 3. Моллар яйратиб боқилмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
олган суратлар.

БОҒЛАР ФАЙЗИ

Боғ ва токзорларни хусусийлаштиришдан мақсад гектарлар самарадорлигини таъминлаш, ҳосилдорлигини оширишдир. Бу соҳада Ш. Рашидов номли жамоа-ширкат хўжалигида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Хўжаликда 153 гектар янги ва эски боғ, 7 гектар токзор бор. Мевали боғларнинг гектаридан 140 центнер, узумдан 40 центнердан ҳосил етиштириш ва эл дастурхонига армуғон этиш кўзда тутилган. Шартнома бўйича соҳибкорлар 200 тонна сархил мева, 24 тонна узум топширишни ўз зиммаларига олишган. Шафтоли, олма, дарахтлари меваси кўплигидан шохлари эгилган.

Буюк ипак йўли ёқасида жойлашган қадимий Касби қишлоғида 1991 йил баҳорида «Султон Мир Ҳайдар» боғига асос солинганди. Яхши ният билан экилган кўчатлар ҳосил бера бошлади. Боғ Юсуф Ҳамидов бошлиқ бригадага бириктилган. Жамоа боғбонлари 8 гектардаги шафтоли, 2,5 гектардаги қароли, 7 гектардаги нок, 11 гектардаги олма, 15 гектардаги ўрик, 2,5 гектардаги беҳи ва 1 гектардаги гилос дарахтларини меҳр билан парваришлаётир.

Боққа ишлов бериш тажрибали механизатор Ғофир Темиров зиммасида. У ўзига топширилган вазифани ҳалол адо этаяпти. Ҳосилга кирган шафтоли, ўрик ширага қарши дориланмоқда. Олма қурти, ток занги сингари заруркунанда ҳашаротларга кимёвий йўл билан кураш олиб бориляпти. Об-ҳаво ноқулай келган бу йилги мураккаб шароитда меваларни асраб қолиш учун дарахтлар тез-тез махсус аппаратлар ёрдамида ювилмоқда.

Ишлов бериш, суғориш ишларида Шуҳрат Очилов, Равшан Тўхтаев, Бахтиёр Саидов, Шавкат Очилов, Музаффар Хонқулов, Рўза Очилова, Ҳайит Очилова, Жумагул Очилова, Шоҳиста Темирова, Ҳайит Тоштемиров сингари соҳибкорлар фидойилик кўрсатмоқдалар.

Бекмурод Муртозоев бошлиқ бригада боғбонлари ўзларига бириктилган боғларни хусусийлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришаяпти. Жамоа соҳибкорлари қарамоғида 10 гектар ўрикзор, 10 гектар олмазор, 18 гектар шафтолизор, қароли ва бошқа мевали дарахтлар мавжуд. Боғбонлар 10-15 тонна шафтоли, ўрик териб, давлатга сотиш учун жамоа-ширкат хўжалиги билан шартнома тузишган. Бундан ташқари бригада соҳибкорлари 2 гектар ерга помидор, эртаги полиз экишган.

Боғлар икки марта ишловдан чиқарилиб, зараркунанда ҳашаротларга қарши химикатлар пуркалди. Бу мўлжалдагидан кўпроқ ҳосил йиғиб-териб олиш имконини яратди. Хурсанд Турдимуродова, Муҳаббат Эшонқулова, Шарофат Эшназаровалар кўчатларни парвариш қилиш, помидор палакларини суғориш, полиз экинларини чопиқ қилишда ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.

Боғ ва токзорларни кенгайтириш ҳисобига мўл ва сифатли мева, узум етиштириб келаётган Касби туманидаги Шароф Рашидов номли жамоа-ширкат хўжалиги меҳнаткашлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги нишонланадиган кунгача давлатга ҳўл мева, узум сотиш шартномаларини бажариб, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира бориб, боғларни хусусийлаштиришни ниҳоясига етказиш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланаётир.

Жўра ЮСУПОВ.

ФЕРМА ЭГАСИНИ ТОПДИ

Навоий тумани Ибн Сино номидаги жамоа хўжалигининг «Зарафшон» ҳиссадорлик жамиятининг чорвачилик фермаси ким ошди савдосига қўйилди. Дастлабки баҳоси 1 миллион 300 минг сўм бўлган бу ферма 1 миллион 470 минг сўмга харид қилинди. Шу хўжаликда яшовчи фермер Зайни Равшанов уни 416 бош қорамоли, асбоб-ускуналари ҳамда биноси билан бирга сотиб олди.

ДАРОМАД МАНБАИ

Андижондаги «Коммунар» механика заводида консерва маҳсулотларини беркитадиган станоклар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Консерва корхоналари ходимларининг фикрича, корхона мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган янги мослама оддийлиги, фойдаланишга қулайлиги ва унумдорлиги билан ажралиб туради. Энди корхона ҳўл мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган кичик ва катта цехлардан янги ускунани етказиб бериш тўғрисида тушаётган кўплаб буюртмаларни бажариши зарур.

Акционерлик жамиятига айлангач, Андижон механика заводи жамоаси юқори даромад олиш мақсадида ўз маҳсулотларининг сифатига, истеъмол талабларини аниқлашга катта аҳамият бера бошлади. Шу сабабли кенг истеъмол моллари турлари ошди, корхона печкалар, дала ҳовлиларда яшовчилар учун керакли буюмлар, уй-рўзғор анжомлари ишлаб чиқара бошлади. Якка тартибда уй қурувчилар истакларини ҳисобга олиб, заводда ғишт тайёрловчи линиялар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришяпти.

УРУШ ФАХРИЙЛАРИГА ИМТИЁЗ

Бухоро вилоятида истиқомат қилаётган 5 мингга яқин уруш фахрийларга яна бир қулайлик яратилди: эндиликда улар вилоятдаги исталган кинотеатр ёки клубда бепул кино томоша қила олади. Вилоят ҳокимлиги кинолаштириш ва кинони ижрага бериш бошқармаси бу борадаги барча ҳаражатни ўз зиммасига олади.

(ЎзА).

Ислоҳот — эл хизматида

ИНСОН КАМОЛИ — ЮРТ ЖАМОЛИ

Ҳар бир давлат иқтисодини ўзининг барча табиий, молиявий, илмий-маърифий имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда ривожлантириб, халқига юқори даражадаги турмуш тарзини яратишга ҳаракат қилади. Мустақил Ўзбекистон давлатида ҳам бутун эътибор иқтисодни имкони борича тез ривожланиш йўлига ўтказишга ҳаракат қилиняпти. Бу йўлда кўплаб қонунлар, фармонлар, қарорлар қабул қилинди. Ташкилий ишлар авжига чиқарилди. Республика халқ хўжалигининг бошқарув тизими янгидан ташкил этилди. Мулк давлат тасарруфидан чиқариляпти. Молия, банк, солиқ тизимлари ислоҳ қилиниб, бозор иқтисоди талабларига мослаштириляпти. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳам катта ишлар амалга ошириляпти.

Маълумки, 1917 йилдан бошлаб дунёда икки ишлаб чиқариш усули синовдан ўта бошлаганди. Буларнинг бири капиталистик, иккинчиси — социалистик ишлаб чиқариш усули эди.

Биринчиси — хусусий мулкчиликка асосланган. Бу усул бозор муносабатларини ривожлантириб, унинг заминида манфаатдорлик ётар ва бу ўз навбатида меҳнатга бўлган муносабатни белгилаб, унумдорлик, сифат, самарадорлик, тежамкорлик, фойда, даромад кўрсаткичларини узлуксиз ўстириш имконини беради. Бу жамиятда инсон ўз билимини, малакасини ошириш, ҳар томонлама камолотга эришишдан манфаатдордир. Чунки булар унинг моддий заминини яратиб, уни мустаҳкамлашга хизмат қиларди. Албатта, капиталистик тузумнинг ҳам ўзига яраша камчиликлари бор. Тузум одамларни бойлигига қараб табақалаштириб юборган ва ўта бой билан камбағал орасидаги тафовут бамисоли ер билан осмонча бўлиб қолган.

60-йиллардан бошлаб капиталистик жамиятни ҳар хил усулларни қўллаб оммалаштиришга, халқпарвар қилишга интилиш кучайди. Ҳозирда капиталистик мамлакатлар деган ибора, кўпроқ ривожланган мамлакатлар деган ибора билан алмаштирилди.

Дарҳақиқат, капитализм ишлаб чиқариш кучларини ва уларнинг унумдорлигини оширишга эришиш мумкин бўлган энг юқори кўрсаткичларга олиб чиқди. Илмий-техника муаммоларини ҳал қилиб, амалда қўллаш борасида ҳам мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Манфаатдорлик механизми меҳнатни уюштиришга ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, бошқариш масалаларини узлуксиз такомиллаштиришга олиб келди. Бу шароит нафақат инсон меҳнатининг унумдорлигини оширишга олиб келди, балки инсоннинг ўзи ҳам такомиллаша бошлади.

Ривожланган мамлакатларда инсон ҳаётининг энг такомил намуналари пайдо бўла бошлади. Жумладан, турар-жойларнинг барча қулайликларга эга бўлишию замонавий электрон жиҳозлар билан тўлдирилган ошхона, мебель, жон бошига телевизор, бошқа қулайликлар яратадитган жиҳозлар, ускунлар ва ҳоказолардир.

Инсон истаган барча нарсаларнинг муҳайёлиги, табиатга меҳрибонлик билан қараш маданиятининг юқорилиги ҳам ривожланган мамлакатларга хос хусусиятдир. Ҳақиқатан инсон унумли ишлаб иқтисодни ривожлантиради. Ана шу иқтисод эса инсонга юқори савияда турмуш тарзи, маданият, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини яратиш имконини беради. Маданиятнинг юксаклиги унинг табиатга, тузумга бўлган муносабатини ҳам бутунлай ўзгартириб юбориши турган гап.

Агар ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган бир қатор жиноятчиликка, ҳуқуқни бузиш, касаллик, болалар ўлими, ичкиликбозликка оид кўрсаткичларни таҳлил қилсак — бу кўрсаткичлар иқтисоди, маданияти, ижтимоий ҳаёти юқори даражада ривожланган мамлакатларда анча паст эканини кўрамиз.

Собиқ Совет давлатида мулкнинг умумийлаштирилиб, ижтимоийлашиши меҳнатга бўлган муносабатга салбий таъсир кўрсатди. Бу таъсир меҳнат унумдорлигининг паст бўлишида, маҳсулот сифати ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларда ҳам ўз аксини топди. Ўқиш, малакани оширишдан манфаатдорлик тизими ишламай қўйган эди. Одамлар ёппасига давлатга қарам эдилар. Инсон ўз меҳнатининг маҳсулига эга бўла олмасди. Барча яратилган неъматлар давлат томонидан тортиб олиниб, ким қанча ҳисса қўшганидан қатъий назар, қайта тенг тақсимланарди.

Социалистик тузум ҳамма нарсага якка ҳоким эди. Одамлар эркин фикр қилиш, уни изҳор этиш ва асосий инсон ҳуқуқларидан бутунлай маҳрум қилинган эдилар. Бу вазият инсоннинг ривожланишига, айниқса унинг тафаккурининг ўсишига, маданий такомиллашишига тўсиқ бўлиб қолганди. Охир оқибатда иқтисодда, ижтимоий ҳаётда вазият анча кескинлашган ва оғирлашган эди.

Ўша даврда шаҳар билан қишлоқ орасидаги тафовут ҳам авжига чиққан, қишлоқни газлаштириш, тоза ичимлик сув билан таъминлаш, телефонлаштириш, қулай шароитли уй-жойлар қуриш паст даражада қолиб кетган эди.

Мустақиллигимизнинг шонли йилларида қишлоқларни газлаштириш, тоза сув билан таъминлаш соҳасида жуда катта ишлар бажарилди. Дарвоқе, Ғарбий Оврўпа мамлакатларида қишлоқ билан шаҳар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. У ерда қаерда шаҳар ҳудуди тугаб, қишлоқ бошланганини билиш қийин. Қишлоқларнинг қиёфаси ҳам худди шаҳарларга ўхшаган. Шаҳарлардаги барча мавжуд қулайликлар қишлоқларда ҳам бор.

70-йилларда қатор ривожланган мамлакатларнинг олимлари XXI асрда инсоният тараққиёти қайси йўлдан бориши кераклиги масаласига оид тадқиқотлар ва таҳлиллар олиб бора бошладилар. Ҳозирги замон иқтисодий назариясига кўра, ривожланиш учун сармоя керак. Яратилган қўшимча қийматнинг бир қисмини жамғариш эвазига топиш ва ундан кейин сармоя сифатида халқ хўжалигининг барча тармоқларида фойдаланиш мумкин. Бир қатор хорижий мамлакатлар олимлари сармоя қайси соҳага тикилиб, қандай самара берганлигини мисолларда таҳлил қилиб кўрганлар. Масалан саноат, тоғ-кон ишлари, нефть-газ, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат, таълим ва ҳоказолар. Қўйилган сармоялар энг кўп самара берган соҳа таълим бўлиб чиққан. Шундан келиб чиқиб, хорижий мамлакатларда иқтисодни ривожлантириш сиёсатининг марказида таълим масалалари туриши лозимлиги кўрсатилмоқда. Жумладан, анъанавий иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт режаси ўрнига «гуманитар ривожланиш» ва «ривожланиш стратегияси» деган иборалар қўлланилмоқда. Гуманитар ривожланиш бир вақтнинг ўзида ҳам мақсад, ҳам ривожланиш воситаси деб таъкидланмоқда. Унинг мақсади инсонни узлуксиз ўқитиш, унга касб-ҳунар ўргатиш, малакасини ошира бориш ҳисобига имкониятини жадал ошириш йўли билан иқтисодни юқори суръатлар асосида ривожланишига эришишдир. Қолаверса, ўқимишли, билимдон инсоннинг меҳнатга, интизомга, ишлаб, чиқариш қуролларига муносабати ўзгача бўлади. Билимдон инсон кўпроқ ихтирочиликка мойил бўлиб, мураккаб техника, технологияларни тезроқ ўзлаштиради ва юқори унумли иш натижаларига эришади. Бунинг тасдиғи сифатида кўплаб ўтказилган тажрибалар натижасини ва эришилган кўрсаткичларни келтириш мумкин. Зиёли инсон ҳаётда учрайдиган мураккаб масалаларни ҳам дадил ҳал қилади. Бунга мисол қилиб Япония тажрибасини келтириш мумкин. У ерда айниқса, сув, ресурсларни тежашга оид, автомат цехлар, заводлар, робот техникаси тараққиёти диққатга сазовор. Японияда бор-йўғи, 5,5 миллион гектар ерга экин экилиб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Улар мазкур майдонда етиштирилган маҳсулот билан 126 миллион аҳолини таъминлайди. Жанубий Қурияда эса 2 миллион гектар экин майдони бўлиб, 900 минг тонна узум, 1,5 миллион тонна олма, гўшт, сут, ғалла етиштиради. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик юқори кўрсаткичларга етказилган. Улар ҳозир экологик тоза маҳсулот етиштириш, сифат кўрсаткичларни янада яхшилашни асосий вазифа деб ҳисоблайдилар. Юқори кўрсаткичларга эришишда, албатта, электрлаштириш, меҳнатни ташкил қилиш, замонавий бошқарув усулларини қўллаш, меҳнаткашларнинг касб маҳоратларини ошириш муҳимдир.

Инсоннинг ҳар томонлама баркамолликка эришиши унинг сиҳат-саломатлиги, турмушдан лаззатланиш, роҳатланиш, жаҳон илми ва ахборот захираларидан фойдаланиш имконини ҳам беради. Ундан ташқари ўқимишли, билимдон инсоннинг маданий савияси, хулқ-атвори, қонунга, ҳуқуқий қоидаларга риоя этиши, ахлоқий бузуқликдан, жиноий ишлардан ўзини тийиш даражаси юксакликка кўтарилади. Маданияти юксак жамиятда яшаш шароити ҳам бошқача бўлади.

Ҳозирда Ватанимизда кўплаб илм-фан ютуқлари, илғор техника, технология мавжуд. Лекин улар ҳозирча етарли қўлланилмаяпти. Агар ерга ишлов бериш маданияти озгина оширилса, маълум бўлган илғор техника, технологияни қўллаш тезлашса иқтисодимиз ривожи жадаллашади.

Совет даврида илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик, янги техника, технология яратишга оид ишларга маблағ давлат бюджетидан берилар эди. Лекин берилган маблағ самарасиз сарфланиб, эвазига янги техника, технология пайдо бўлмас эди. Кўпинча хорижий техникадан андоза олиниб, унинг ёмонроқ нусхаси ишлаб чиқариларди, холос. Бюджетдан берилган пулнинг самарасиз сарфланганига ҳеч кимнинг дили ачимас эди.

Энди вазият бутунлай ўзгарди. Пул ишлаб топилади. Унинг эгаси бор. Пул эгаси — буюртмачи бажарувчи билан шартнома асосида техника, технология яратиш устида иш олиб боради. Буюртмачи тўлаган пулига аниқ натижа олишни истайди. Бу ҳол масъулиятни оширади, иқтисодни самарали бошқаришга, йирик натижаларга даъват қилади. Рақобат, техника, технологияни узлуксиз такомиллаштиришга, сарф-харажатни камайтиришга, сифатни кўтаришга, унумдорликни оширишга, ишчи, инженер ходимларнинг малакасини оширишга мажбур қилади. Охир-оқибатда иқтисод, ижтимоий ҳаёт ривожланади. Булар бари инсон умумий камолоти даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

С. САЛИМОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

ХОЛИС ХИЗМАТ МАСКАНИ

Мулкни давлат тасарруфидан чиқармай, бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантирмай, тадбиркорлик ва хусусийлаштиришни ҳар томонлама ривожлантирмай туриб, бой-бадавлат мамлакатлар даражасига кўтарилиш қийин. Шунинг учун ҳам бу вазифаларга ҳукуматимиз истиқболни белгиловчи омиллар сифатида қараб келмоқда. Хусусий корхоналар кўпайиб бораётир. Эндиликда хусусий мулк шаклига эга бўлган кичик корхоналар, ширкатлар, фирмалар, фермерлар, дўконлар, дорихоналар оз эмас. Булар бари давр тақозоси билан тузиляпти, одамларга ва давлатга фойда келтиряпти. Хусусий мулк эгаларини мажорали масалалардан ҳал этишда кўмаклашиш учун Тошкентда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш хизмати фаолият кўрсата бошлади. Мухбиримиз мазкур хусусий хизмат раҳбари Неъмат Раҳматов билан мусоҳаба ўтказди.

— Ҳурматли Неъмат ака, Сизнинг ташкилотингиз тадбиркорларга, хусусийлаштириш жараёнини тезлатишга қандай таъсир кўрсатиши мумкин?

— Эндиликда тадбиркорлик билан шуғулланаётган юртдошларимиз ёлғиз эмаслар. Шахсан юртбошимизнинг ўзлари уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди. Чунки мамлакатимизнинг иқстиқболи, тўкинсочинлигию маъмурчилиги тадбиркор ва ишбилармонларга боғлиқ. Ана шу фидойи кишилар янги-янги корхона ва ташкилотлар очишяпти. Хўш, улар орасидаги ҳуқуқий масалаларни ким ҳал қилади? Айнан шу мақсад учун муаммоларни тез ва тўғри, одилона еча оладиган махсус юридик ташкилот керак эди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёрдами билан пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманида ана шундай юридик хизмат кўрсатиш «Пойкент» хусусий корхонаси фаолият бошлаганига анча бўлди. Бу хизмат беғараз ва холисдир. Энг қулай томони шуки, хизмат эвазига катта тўлов талаб қилинмайди. Зарурат туғилганда, қийналиб юрган фуқароларга хайрия тарзида ҳам хизмат кўрсатишимиз мумкин. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, фаолиятимиз фақат Тошкент шаҳри доирасида чегараланиб қолмайди. Келгусида вилоят марказлари ва катта-катта саноат шаҳарларида ҳам ўз шохобчаларимизни тузамиз. Биздан кўплар ёрдам олишлари мумкин. Айниқса, хизматимиз республика қишлоқ хўжалиги ходимларига ҳам кўп асқотади.

— Кечирасиз, Пойкент сўзининг ҳуқуқшуносликка алоқадор жойи борми? Нимага хусусий корхонангизга шундай ном бергансиз?

— Бунинг тафсилоти узундан-узун. Аммо бунда киндик қоним томган тупроққа беадад муҳаббатим ҳам бор. Агар тарихдан эсласангиз, Қашқадарё ва Зарафшон этакларида, уларнинг суви Амударёга бориб қуйиладиган ерда (ҳозирги Бухоро вилоятида) Турон заминнинг энг обод қалъаси Пойкент бўлган экан. Бир пайтлар боболаримиз уни Бойкент деб ҳам юритишган. Ипак йўлининг нақ марказига жойлашган ўша гўзал шаҳар кейинчалик йўқ бўлиб кетган. Ниятимиз қадимий қалъа ўрнини обод қилиб, Ўзбекистонни гуллаган, саноати ривожланган мамлакатга айлантиришга ҳисса қўшишдан иборат. Қолаверса, «Пойкент» фақат ҳуқуқий хизмат билан чегараланиб қолмайди. Унинг хизмат кўрсатиш доираси ниҳоятда кенг. Жумладан, ҳунармандчилик ва косибчиликни ривожлантириш ҳамда қоғоз ишлаб чиқаришдек муҳим ишларни йўлга қўйиш билан ҳам шуғулланади. Мақсадимиз — озод ва обод Ўзбекистон учун холисона хизмат қилиш.

— Орзуга айб йўқ. Шу кунларда корхонангиз қандай масалаларни ечаётир?

— Хусусий корхонада ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш хизмати йўлга қўйилди. Эндиликда фуқароларга, корхона ва ташкилотларга, юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиляпти. Бора-бора фаолиятимиз кенгайиб, хўжалик ишлари бўйича вилоятлар ва туманларда ҳуқуқий маслаҳатхоналар фаолият юрита бошлайди.

Жорий йилнинг 12 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» фармони чиқди. Ана шу фармоннинг ижросини тезлаштириш мақсадида барча турдаги раҳбарларга шартномалар тузишда, дебиторлик қарзларини ундириш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатадиган маслаҳатхоналар ташкил этилаётир. Очиғини тан олиш керак, кўпчилик корхона ва ташкилот раҳбарлари чигал масалалар бўйича ҳужжатларни юридик жиҳатдан расмийлаштириб, суд ва хўжалик суди органларига мурожаат қилишни билишмайди. Улар ҳуқуқий томондан ҳимояланган бўлишса-да, ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари сабабли бу борада юридик хизмат муассасалари ёрдамига муҳтождирлар. Ўтган қисқа вақт мабойнида кўпгина фуқаро ва корхоналарга ёрдам кўрсатдик. Кўпгина корхоналарга Ҳамдўстлик мамлакатларидан ололмаётган қарзларини ундиришда ҳам ёрдамлашишимиз мумкин. Жамоамизга малакали ҳуқуқшунослар йиғилган. Бизга кундан-кунга мурожаат этувчилар сони ортаяпти. Аралашувимиз туфайли низолар ҳал этиляпти.

Суҳбатдош:
Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

ХАРИДОРГИР МОЛЛАР

Иқтисодий ислоҳот туфайли туманимизда қувончли ўзгаришлар рўй бермоқда. Биз вилоятда биринчилардан бўлиб янгичасига ишлашга ўтгандик. Мақсад муаммоларни ҳал этиш, истеъмол молларини кўпайтириш эди. Ҳиссадорлар савдо шохобчаларини тўласинча сотиб олишди. Кўп ўтмай ўзимизнинг шахсий жамғармамизни ташкил этдик. Бу ишлаб чиқариш цехларини кўпайтириш, мавжудларини яхшилаб таъмирлаш имконини берди.

Гилам цехини меҳр билан бунёд этдик. Ҳозирда ёшларга ўз ишининг чинакам устаси Робия Худойқулова устозлик қилмоқда. Тадбиркорлар елиб-югуриб керакли дастгоҳларни турли вилоятлардан олиб келдилар. Саъи-ҳаракат зое кетмади: бағоят қисқа вақт ичида гилам тўқиш бошлаб юборилди. Ҳозирда Зулайҳо Жўрақулова, Анора Худойшукуровалар тўқиётган ажойиб гиламлар барчага маъқул бўлмоқда. Эътиборлиси шуки, келин-куёвлар бу ерга ташриф буюриб махсус гиламга буюртма беришмоқда. Шу кунгача янги турмуш қураётганларга 400 дан ортиқ бежирим гиламлар тортиқ этилди.

Бўрсилдоқ нонлар тайёрлаш цехи ишга туширилганлиги барчани хушнуд этди. Новвойлар бир кунда 4 тонна ундан нон ёпишмоқда. Маҳсулотларимиз ўзининг бўрсилдоқлиги, хуштаъмлиги билан ажралиб туради. Улғузи Расулова, Тўхтахол Жўрақулова, Искандар Ҳайитов каби новвойлар меҳнатидан аҳоли хурсанд.

Биз аҳоли талаб-эҳтиёжларини доимий равишда ҳисобга олиб бораяпмиз. Одамлар ўз ойларида чанқовбосди ичимликлар танқис бўлаётганлиги, тўй қилаётганлар ҳатто қўшни вилоятларга қатнаб, ичимлик сувларни қийналиб олиб келишаётганлигини таъкидлашди. Яхши ният билан янги цехни қуриб ишга туширдик. Моҳир ташкилотчи Маматхон Қодиров ёнига ғайратли ёшларни олиб ишни бошлаб юборди. Энди тую-тантаналарга яхна ичимликларни ўзимиз етказиб бераяпмиз.

Давр тадбиркор бўлишни тақозо этмоқда. Истеъмол молларини кўпайтиришга хизмат қиладиган барча имкониятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Қандолат цехини очиш осон бўлмади. Аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиниб, айирбошлаш йўли билан Россиядан 90 тонна шакар олиб келдик. Бундан ташқари ёғоч, ускуналар ҳам келтирилаяпти. Цехни ишга туширишда Самарқанд технология институти олимлари яқиндан ёрдам беришди. Худди туғишганлардек қадрдон бўлиб қолган тожикистонлик Рухсатой Аҳмедова каби қўли гул аёллар новвот, парварда, ажойиб тортлар тайёрлаш сирларини ёшларимизга қунт билан ўргатишди. Шу тариқа савдо пештахталарини харидоргир моллар билан тўлдириб бораяпмиз.

Интилганга толе ёр, деганлари ҳақ гап. Қўриқдан 20 гектар ер олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга жазм этдик.

Беш гектарда ажойиб боғ барпо этилди. Олти гектар ердаги буғдойзордан баракали ҳосил олдик. Картошка ҳосили ҳам чакки бўлмади. Бундан ташқари 80 та қорамол, 120 та қўйни меҳр билан парваришлаяпмиз. Касалхона, болалар боғчасини арзон гўшт, сут, қатиқ билан мунтазам таъминлаяпмиз.

Янгича шароитда иш бошлаганимиздан кейин кўрсаткичларимиз яхшиланди. Соф фойда тобора ортиб бормоқда. Энг муҳими, аҳоли учун зарур бўлган кўпгина истеъмол моллари ўзимиздан чиқаяпти.

Зумрад ҲАЙИТОВА,
Қумқўрғон район савдо ва ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раиси

«МУСТАҚИЛЛИК» ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

**«МУСТАҚИЛЛИК» пул-буюм лотереясини сотиб олиб,
Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.**

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини Жамғарма банкининг барча муассасаларида, алоқа бўлимларида, савдо ташкилотларида ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

*Ютуқлар тиражи 1995 йил 29-30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.
Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95; 45-35-49; 45-66-43.*

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, МАРКАЗИЙ БАНК, ЖАМҒАРМА БАНК, АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКСАВДО, ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

ҚАЙТА ИШЛАСАНГИЗ, ДАРОМАД КЎПАЯДИ

Қишлоқ хўжалик хом ашёсини хўжаликларда, фермерларга қарашли кичик корхоналарда қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида сотиш кўриладиган даромадни сезиларли даражада кўпайтириш имконини беради. Шунинг учун ҳам Тошкентдаги «Нико-Нур» агрофирмаси қуйидаги ускуналар ва қурилмаларни сотиб олиб, фаолиятингизни кенгайтиришни таклиф қилади:

— Бир кеча-кундузда 100 килограммдан 200 килограммгача мева-сабзавотларни қуритадиган шкафлар. Улардан бештаси ёнма-ён қўйилса, кичик цех вужудга келтирилиши мумкин;
— Соатига 100 килограмм ун ёки 200 килограмм аралаш озуқа тайёрлаш қувватига эга бўлган электр тегирмонлар;
— Бир сменада 500 литр сутни қайта ишлаб, сариёғ ва бошқа маҳсулотлар тайёрланадиган кичик цех;
— Бир сменада 2000 пакет маккажўхори қаламчаларини тайёрлаш қувватига эга бўлган кичик цех;
— Бир йўла 20 та товуқ ёки 20 килограмм бошқа гўшт маҳсулотлари димлаб пишириладиган гриль-бар;
— Ип йигирувчи замонавий электр ускуна.

Мурожаат учун телефонлар: 79-18-30, 79-24-40, 79-24-15, 44-47-69, 62-00-20 (доимий навбатчи).

«САОДАТ» БОШ ДЎКОНИДАГИ ЖАҲОН БОЗОРИГА
ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Бу ерга Италия, Германия, Болитқбўйи, Эрон, Тайван, Сурия, Туркия ва бошқа кўплаб чет эл мамлакатларидан ётоқхона гарнитуралари, йиғма диванлар, идора кресло ҳамда ёзув столлари, тюль пардалар, мебель матолари, болалар ўйинчоқлари, рўзғор буюмлари, турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари пешма-пеш келтирилиб, сотувга чиқарилмоқда.

Ҳар бир маҳсулотнинг ўн ва йигирмадан ошиқ тури бор, рангларининг истаган хилидан топилади.

Фақат нақд пулга сотилади.

Манзилгоҳ: Тошкент, Усмон Носир кўчаси, 53-уй. (Аввалги Фрунзе савдо маркази).
Телефонлар: 55-39-75, 55-52-00.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Жиззах вилояти агросаноат уюшмаси раиси Н. И. Умаровга отаси **Илёс УМАРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси Сирдарё бўлимининг директори К. Шодмоновга укаси **Пўлат ШОДМОНОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИС:
«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш»
давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати»
газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Масъул котиб ўринбосари — 36-56-25. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51,33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими — 36-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Чорвачилик бўлими — 36-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 36-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-49, 36-54-52. Безатиш бўлими — 36-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г—0288, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 20.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

~~1~~ 2 3 3 4 6.